




# ҚОНУНЧИЛИК МУАММОЛАРИ АХБОРОТНОМАСИ

**1-сон**  
2021 йил

**БЮЛЛЕТЕНЬ**  
ПРОБЛЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

**BULLETIN**  
OF LEGISLATIVE PROBLEMS



**НАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**  
**2017-2021**

Давлат ва жамият қурилиши  
tizimini такомиллаштириш



Қонун устуворлигини  
таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизimini  
янада ислоҳ қилиш



Иқтисодий ривожлантириш ва  
либераллаштириш



Ижтимоий соҳани ривожлантириш



Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний  
бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ёйланган,  
ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат



... Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, Олий Мажлис таркибида муҳим бир тузилма, яъни илмий-амалий тадқиқот ва ахборот-таҳлилий фаолият олиб борадиган, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқадиган марказнинг йўқлиги бу борадаги ишларни юқори савияда ташкил этиш имкониятини бермаяпти.

Илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммоларини ўрганиш институтини ташкил этишни таклиф қиламан. Бу институт парламент аъзоларининг буюртмасига асосан ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва хорижий тажриба бўйича таҳлилий маълумотлар ва қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишлари билан шуғулланиши лозим.

Бу нима учун керак? Бу институт депутат ва сенаторларнинг энг яқин ёрдамчиси вазифасини бажариши керак.

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан  
2017 йил, 12 июль*

... Биз яқинда Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтини ташкил этдик. Ушбу институт Олий Мажлисга келадиган турли таклифларни чуқур таҳлил қиладиган, таъбир жоиз бўлса, элақдан ўтказадиган илмий марказ бўлиши лозим.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан  
2017 йил, 22 декабрь*

... Маълумки, парламент фаолиятини сифатли ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлаш мақсадида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилган эди. Ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, мазкур институт фаолиятини янада кучайтиришимиз, уни депутат ва сенаторларнинг чинакам кўмакчисига айлантиришимиз лозим. Хусусан, қонун лойиҳаларининг қизғин муҳокамасини ўтказиш ва қабул қилинган қонунларнинг амалиётдаги таъсирчанлигини баҳолаш бўйича институт фаолиятининг самарадорлигини ошириш талаб этилади. Шу боисдан ҳам парламент мазкур институт фаолиятини тубдан такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқидан  
2020 йил, 20 январь*

... Хабарингиз бор, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилган. Бу институт қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни муҳокама қилишда, қабул қилинган қонунлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда парламент аъзоларига ҳақиқий ёрдамчи бўлиши лозим.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқидан  
2020 йил, 20 январь*

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси



**Ассалому алайкум, ҳурматли депутат ва сенаторлар!  
Азиз юртдошлар!  
Муҳтарам меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!**

Олий Мажлисга ва халқимизга йўлланаётган бу йилги Мурожаатнома, ўтган йиллардан фарқли равишда, мураккаб бир даврга тўғри келмоқда.

Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Охирги маълумотларга кўра, дунёнинг 191 мамлакатига 81 миллион киши коронавирус билан касалланган. Улардан 1 миллион 765 минг нафари вафот этган.

Пандемия жаҳон иқтисодийоти учун – шунга эътибор беринг – ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорига зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган.

Афсуски, бу офат бутун инсоният қатори халқимиз учун ҳам кутилмаган ташвиш ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бухоро ва Сардобада юз берган табиий ва техноген офатлар ҳам эл-юртимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.

**Халқимизнинг буқилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона энгиб ўтмоқдамиз.**

Хабарингиз бор, пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бутун бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди.

Қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволаш

масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, химоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори маалаки шифокор ва мутахассислар жалб этилди.

Хориждан 600 мингдан ортиқ ватандошларимиз юртимизга олиб келинди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида фидойи ва олижаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида 800 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга 1 триллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўз пайтида кўрилган тезкор ва тизимли чораларимиз натижасида ушбу хатарли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Юртимизда осойишта ҳаёт, барқарор иқтисодий ривожланиш давом этмоқда.

Карантин талабларини тўғри қабул қилиб, уларга амал қилган, сабр-тоқатли, олижаноб халқимизга, ўта хатарли вазиятда ўзини аямасдан мардона меҳнат қилган жонқуяр шифокорларга, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида муносиб иштирок этган барча тадбиркор ва фуқаролари-

мизга яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Пандемияга қарши курашда бизга амалий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро молия институтлари, Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Германия каби давлатлар раҳбарларига ташаккур билдираман.

Мамлакатимиз билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган чет давлатларнинг ҳурматли элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари раҳмат айтиб, эзгу тилақларимни билдиришдан мамнунман.

### **Ҳурматли парламент аъзолари!**

#### **Қадрли дўстлар!**

Жорий йилда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийётни ривожлантириш” Давлат дастурига мувофиқ янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳаларда ислохотларни қатъий давом эттирдик.

Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамасдан, Ўзбекистон дунёнинг санокли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари – “GSP+” тизимини татбиқ этиш бўйича, муҳим қадамлар ташланди. Ушбу тизим келгусида республикамизда ишлаб чиқариладиган 6 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни Европа бозорига бож тўламасдан олиб кириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, биргина тўқимачилик маҳсулотларининг йиллик экспортини 300 миллион долларга ошириш учун шароит яратади.

Жорий йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди.

Бу йил республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Жумладан, “Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди.

Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга.

Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.

Мева-сабзавотчилик, галлачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди.

### **2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди, десак, муболаға бўлмайди.**

Аввало, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик.

Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги – “темир дафтар” тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди.

Деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.

Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган “IT-парклар”да 500 дан ортиқ замонавий компаниялар иш бошлади.

Биргина жорий йилда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробарга оширилиб, 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Ушбу мақсадларга бюджетдан 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди.

Кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди.

Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди.

Эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юрларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинди.

Ўзбекистон “Очиқ маълумотларни кузатиш” халқаро индексида 125 поғонага кўтарилди, 44-ўринни эгаллади. Бунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошқор қилиб бориш амалиёти жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди.

“Иқтисодий эркинлик” рейтингда ҳам мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани ислохотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳаси, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотларимиз ҳам изчил давом эттирилди. Натижада бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилди.

Судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида жорий йилнинг ўзида 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди.

Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинмоқда. “Меҳр-3” операцияси амалга оширилиб, Суриядан яна 98 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келингани бунинг яққол тасдиғидир.

Жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очиқ ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

Мамлакатимиз тарихда биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг кўламли демократик ислоҳотларимизнинг эътирофидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг олий минбаридан илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббусларимиз дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилиниб, қўллаб-қувватланмоқда.

#### **Қадрли халқ ноиблари!**

#### **Азиз юртдошлар!**

Барчангизга маълумки, кириб келаётган 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига 30 йил тўлади. Албатта, бу тарихий санани сиз, азизлар ва бутун халқимиз билан биргаликда **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган эзгу ғоя асосида кенг байрам қиламиз.

Бугун келгуси йил учун режа ва дастурларимизни аниқ белгилаб олар эканмиз, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, энг муҳим ва устувор соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз, албатта.

Таъкидлаш керакки, пандемия барчамизга тиббиётнинг бирламчи бўғини – тез ёрдам хизмати, санитария-эпидемиология тизимини тубдан ислоҳ қилиш муҳим ҳаётий зарурат эканини яна бир бор кўрсатди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг бошқа минтақаларида кузатилаётган “пандемиянинг навбатдаги тўлқини” ва у билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳаммамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда.

Буюк аждодимиз Имом Мотуридий ҳазратларининг **“Тириклик ҳикмати соғлиқда, деб билгин”**, деган чуқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта-қайта исботламоқда.

Шу боис мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида орттирган тажрибамиз ҳамда хорихдаги илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислоҳотларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш – энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз

ислоҳотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

**Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.** Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

Шу мақсадда **“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”**, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошираемиз.

**Биринчидан**, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

**Иккинчидан**, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва манتيкий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз.

**Учинчидан**, ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Бир сўз билан айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради.

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино, бундан минг йил олдин **“Довюррак ва ботир инсонлар келажакда содир бўладиган қийинчиликлардан қўрқмайди”**, деб бежиз айтмаган.

Яқинда Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида бўлиб ўтган учрашувларда ёшларимиз томонидан билдирилган дадил фикр ва ташаббуслар мени жуда қувонтирди.

Айниқса, куни кеча Ёшлар форумида ўғил-қизларимизнинг ёниб турган кўзларида улкан азму шижоатни, билимга ташналик ва янгиликка интилишни кўриб, янада руҳландим ва улардан куч олдим. Ибн Сино бобомиз айтган довюррак ва ботир ёшлар айнан шу фарзандларим эканига яна бир бор амин бўлдим.

Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини, ёшларимиздаги ғайрат-шижоат,

мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз.

Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз.

Ана шу муҳим йўналишларда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда **“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”**, деб ном беришни таклиф этаман.

2021 йил номида белгиланган соҳаларни тубдан ислох қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қуйидаги кенг қўлланми ишларни амалга оширишимиз лозим.

**Биринчидан**, бола дунёга келганидан бошлаб, унда айнан мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошади, ахлоқий-эстетик ва жисмоний хислатлар шаклланади.

Шу боис ҳам келгуси йилларда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадимиз – боғча ёшидаги ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат.

Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

Шунингдек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади.

Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари янада кенгайтирилади. Бунда ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳам йўлга қўйилади.

**Иккинчидан**, мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислохотлар жадал давом эттирилади.

Келгуси йили 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади.

Соҳада ягона “электрон таълим” тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади.

Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим.

Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур. Бу борада келгуси ўқув йилида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий тажриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури” жорий этилади.

Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа – 100 фоиз устама ҳақ тўланади.

Шунингдек, ҳудудларда хусусий мактаблар фаолиятини

рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилади.

Ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратилади.

Келгуси йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этамиз. Ушбу олийгоҳда чет элдаги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади.

Болаларимизнинг меҳнат кўникмаларини мактаб давридан бошлаб шакллантириб бориш мақсадида “касбга ўргатиш тизими” жорий этилади.

Яна бир масала – педагоглар малакасини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Маълумки, муаллимлар ҳозирги вақтда ҳар 5 йилда малака оширади. Бундан буён уларнинг “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида ўз малакасини узлуксиз ошириб бориши йўлга қўйилади.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонлари ҳам қайта кўриб чиқилади.

Яна бир бор такрорлайман, **жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим**. Муаллимларимиз болаларга сифатли таълим бериш ва ўз устида ишлашдан бошқа нарса ҳақида ўйламаслиги учун давлат барча шароитларни яратиб бериши зарур. Шу боис ўқитувчи, мураббий ва методистлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича бошлаган ишларимиз келгуси йилда ҳам давом эттирилади. Бунинг учун халқ таълими ходимларини рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига 330 миллиард сўм йўналтирилади.

Шу билан бирга, 240 мингдан зиёд мактаб ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун устама тўловлар 1,5 баробарга оширилиб, бюджетдан 400 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилади.

**Учинчидан**, олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кейинги йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилади.

Олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказамиз. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

Ҳозирги вақтда ёшлар энг нуфузли олийгоҳларга кириш учун интилади, лекин олий ўқув юртлари ўртасида билимли ва иқтидорли ёшларни жалб қилиш бўйича рақобат йўқ. Шу сабабли хусусий олийгоҳларга ҳам зарур мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси бериш тизими йўлга қўйилади.

Олийгоҳлар ва таълим тизимининг қуйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртлари тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилади.

Нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришимиз зарур.

Шу муносабат билан келгуси йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртлирининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади. Бу дастур орқали илк бор бакалавр йўналишида чет элларга 100 нафар ўқил-қизларимизни юборамиз. Кейинги йиллардан уларнинг сони 2-3 баробарга кўпайтирилади.

Янги йилда юртимиздаги 30 та етакчи олийгоҳга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилади.

**Тўртинчидан**, мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир.

Келгуси йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингга етказилди ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилади.

Илғор халқаро амалиёт асосида доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколати ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилади.

Жорий йилда илк бор математика, кимё-биология ва геология фанларини таълим ва илмининг устувор йўналиши сифатида белгилаб, уларни комплекс ривожлантириш чоралари кўрилди. Жумладан, 98 та ихтисослашган мактаблар ҳамда Геология фанлари университети ташкил этилди. Ўқув дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилди, ўқитувчиларнинг иш ҳақи оширилди.

Энди кейинги йил учун устувор илм-фан йўналишларини белгилаб олишимиз керак.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, машинасозлик, электротехника, IT, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди.

Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, **“Кўёшлиқ истасанг, касби камол эт”**, деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга кўёшдек беиннат нур таратишни, яхшилиқ қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-хунарларни ўзлаштириши лозим.

Ҳозирги даврда хорижий тилларни мукамал ўрганмасдан туриб, буюк бобомиз айтган ана шундай марраларга эришиб бўлмайди, десак, адашмаган бўламиз.

Бундай ўткир талабга амал қилиб, келгуси йилда физика ва чет тилларини ўрганишни устувор йўналиш этиб белгилашни таклиф этаман.

Шу мақсадда келгуси йилда таълимнинг барча бўғинларида ушбу фанларни ўқитиш сифатини тубдан ошириш, ихтисослашган мактаблар очиш, малакали педагогларни жалб этиш каби тизимли ишлар амалга оширилади.

Физика бўйича Аҳмад Фарғоний номидаги халқаро фан

олимпиадаси ташкил этилади. Шунингдек, физика йўналишида илмий изланишлар кўлами ва сифатини ошириш, ёш олимларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилади.

**Бешинчидан**, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади.

Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозоридаги талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислоҳ қилинади.

Бундан буён ишчи касблар бўйича талаб қўйишда малака асосий ўринга чиқади.

Шунинг учун Ҳукумат келгуси йил 1 январдан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этсин.

Хабарингиз бор, Ёшлар форумидаги учрашувимизда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Бундан ташқари, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-хунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади.

**Олтинчидан**, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади.

Ҳозирги кунда республикамизда алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар фарзандларимиз бор. Уларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун кўмаклашиш, оғир касалликка чалинганларни даволаш, чин етимларга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлаш – нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимиздир.

2021 йилда биринчи марта бюджетдан 900 нафар чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлашга 50 миллиард сўм ажратилади.

Умуман, бундай эзгу ишларни тизимли йўлга қўйиш учун Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондиди ташкил этиб, унга бюджетдан 100 миллиард сўм йўналтирсак, ўй-лайманки, сизлар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлайсиз. Бу маблағлар йил давомида кўпайтириб борилади.

Бу ташаббус умумхалқ ҳаракатига айланиши, саховатпеша ҳамюртларимиз ушбу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшишига ишончим комил.

Олий Мажлис палаталари Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини қонун даражасида мустаҳкамлаб, бу борада фаоллик кўрсатган юрдошларимизни рағбатлантиришни ҳам назарда тутиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қилишнинг ҳам вақти-соати келди.

Умуман ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича юқорида қайд этилган форумда жуда кўп мақсалар ечимини келишиб олдик. Шунинг учун бугун улар тўғрисида батафсил тўхталмадим.

Барчамиз учун эндиги вазифа – ушбу ташаббус ва таклифларни тўлиқ амалга оширишдан иборат.

#### **Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!**

2021 йил учун яна бир муҳим йўналиш сифатида белгиланган тиббиёт соҳасида қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

**Биринчидан**, келгуси йилда ҳам коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлади.

Бу ишлар учун 2021 йил давлат бюджетидан 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан, албатта, аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш ва замонавий лабораториялар ташкил этишга 200 миллион доллар йўналтирилади.

Пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади. Жумладан, барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари кўрилади. Шунингдек, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада кенгайтирилади.

**Иккинчидан**, она ва бола соғлиғига эътибор – жамиятга, келажакка эътибордир.

Шу мақсадда кейинги йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади. Бу жараён билан 2021 йилда – 11 миллион нафар, 2022 йилда – 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинади ва бу ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайтирилади.

**Учинчидан**, тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш зарур.

Бу борада бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат “тиббий бригада” ташкил этилади.

Ҳар бир маҳаллада, энг аввало, 5 ёшгача болалар, шунингдек, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхати қайта шакллантирилиб, улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш тизими bosқич-ма-bosқич йўлга қўйилади.

Шунингдек, тиббий хизматлар кўрсатишда бирламчи бўғин қамровини кенгайтириш мақсадида келгуси 3 йилда 315 та “оилавий шифокор” пункти ва 85 та оилавий поликлиника ишга туширилади.

Бундан ташқари, “қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ҳудудларда иш бошлайдиган мингдан ортиқ врачга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилади ҳамда улар хизмат уйлари билан таъминланади.

Олис ва чекка ҳудудларда бирламчи ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ва эҳтиёжманд аҳоли учун скрининг

тадбирларига хусусий шифохоналар ҳам жалб этилиб, уларга субсидия ажратилади.

Ўрта бўғин тиббиёт ходимлари – ҳамшира ва фельдшерларнинг обрўси ва мавқеини оширишга алоҳида урғу берилди. Жумладан, 47 та Ибн Сино номидаги техникумларни ҳар йили битирадиган 20 мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз тиббиётнинг бир нечта соҳаларида касб эгаси бўлиб чиқади. Шунингдек, ўрта бўғин тиббиёт ходимларига “ҳамширалик иши” билан мустақил шуғулланиш учун рухсат берилади.

**Тўртинчидан**, ҳозирги кунда 12 мингдан зиёд фуқароларимиз оқ қон ва оғир ирсий гематологик касалликдан азият чекмоқда.

Шу сабабли келгуси йилда онко-гематология соҳаси ҳамда даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича мураккаб диагностика ва тиббий амалиётлар учун бюджетдан 250 миллиард сўм ажратилади.

Ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган 5 мингдан ортиқ бемор эса илк бор бепул гемодиализ хизмати билан қамраб олинади ва шу мақсадлар учун бюджетдан 140 миллиард сўм йўналтирилади.

Шунингдек, эндокрин касалликларни аниқлаш ва даволаш мақсадида ҳудудий шифохоналарда махсус бўлимлар ташкил этилади. Бунинг учун 2021 йилда бюджетдан 150 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир масала – аҳолимизнинг катта қисмини қийнайдиган ўткир қон-томир касалликлари бўйича 35 та туманларо ра марказ ташкил этилади. Ушбу марказлар аҳолига инфаркт ва инсульт ҳолатларида тезкор ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш орқали ўлим ва ногиронликни камайтиришга хизмат қилади. Шу тариқа ҳар йили камида 30 минг нафар инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинади.

**Бешинчидан**, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш – аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Келгуси йилда 70 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси, 16 мингта боғча ва мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлашга 100 миллиард сўм ажратилади. Шунингдек, барча туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилади.

Аҳолини оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш орқали 2021 йилда қамров ҳозирги 19 фоиздан 25 фоизга етказилади.

Спорт ҳақида гапирганда, яна бир муҳим вазифа олдимизда турганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Яқинда Осиё олимпия кенгаши 2025 йилда Ёшлар ўртасида Осиё ўйинларини Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Бу мамлакатимизга кўрсатилган катта ишонч десак, тўғри бўлади. Айни вақтда бунинг масъулияти ҳам катта эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Қитъамиз миқёсидаги ушбу мусобақага ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўришимиз лозим.

**Олтинчидан**, халқимизнинг маданий-маърифий ҳаётини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бунда маданият ва санъат муассасалари фаолиятини жонлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга бюджетдан 420 миллиард сўм йўналтирилади. Жумладан, ҳудудларда 22 та театр ва маданият объекти қурилади ва реконструкция қилинади.

Тошкент шаҳрининг марказида Миллий академик дра-

ма театри, машҳур япон архитектори Тадао Андо лойиҳаси асосида янги санъат музейи, замонавий кутубхона ҳамда Алишер Навоий номидаги халқаро ижод мактабидан иборат маданият ва маърифат мажмуасини барпо этиш бўйича амалий ишлар бошланади. Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаб пойтахтимиз марказида “Истиқлол” мажмуаси қад ростлайди.

Илгари кўп йиллар давомида ўтказиб келинган Тошкент халқаро кинофестивали “Ипак йўли дурдонаси” – Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта ташкил этилади.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур. Ҳозирги вақтда уларнинг сони 7 мингдан зиёдни ташкил этади.

Афсуски, кейинги пайтларда бебаҳо маданий меросимиз бўлган айрим обидаларимизга зарар етказиш ҳолатлари учраётгани бу борада эътибор сусайганидан далолат беради. Бу иш нафақат Маданият вазирлиги, балки маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг ҳам диққат марказида бўлиши керак.

Ҳукумат бир ой муддатда маданий мерос объектларининг ҳисобини юритиш, сақлаш ва ҳимоясини таъминлаш бўйича алоҳида дастур қабул қилиши лозим.

#### **Қадрли халқ вакиллари!**

Янги йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади.

Сўнги 4 йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислохотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат. Шуларни инobatта олиб, кейинги йилда куйидаги йўналишларда кенг қамровли ишларни амалга оширамыз.

**Биринчидан**, камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этамыз.

Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз керак – камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ичимлик сув, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиб бориш керак.

Нима учун биз “темир дафтар”ни жорий этдик? Бундан мақсад – эҳтиёжманд аҳолини тўғри аниқлаш ва шу асосда, улар билан манзилли ишлашни ташкил этишдир.

Келгуси йилдан тўлиқ ишга тушадиган “Ижтимоий реестр”да “темир дафтар”даги барча маълумотлар қамраб олиниб, эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилади.

Биринчи навбатда, камбағал аҳолининг асосий эҳтиёжларини кафолатли таъминлашимиз лозим. Бу масалада халқаро экспертлар билан чуқур таҳлил асосидаги ҳисоб-китоблар якунига етказилмоқда. Келгуси йил 1 мартдан бошлаб аҳолининг минимал истеъмол харажатлари миқдори эълон қилинади.

Ҳукумат икки ой муддатда ижтимоий кафолатларни бир

тизимга келтириб, уларни минимал меъёрлар даражасида босқичма-босқич таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқсин.

“Темир дафтар”га киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича “мотивация, кўникма ва молиявий кўмак” тамойили асосида янги механизм жорий этилади.

Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак. Шу мақсадда келгуси йили маҳаллаларда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилади. Бунда касб-ҳунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар берилади.

Шунингдек, ҳар бир тумanning имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилади.

Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка кўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Пандемия шароитида ўз ишини йўқотган аҳолини камбағалликка тушиб қолишига йўл қўймаймиз керак. Шунинг учун келгуси йилдан бошлаб янгича тизим жорий этилади. Унга кўра, вақтинча ишсизлик нафақаси 3 баробар оширилади ва бунда 6 та ҳужжат талаб этиладиган эски бюрократик тартиб бекор қилинади.

Камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашларнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими бир ой муддатда ўз ҳудудида камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиб, унинг ижроси бўйича ҳар чоракда маҳаллий Кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориши зарур. Бу масала барча раҳбарларнинг биринчи даражали вазифаси ва иш самарасини баҳолайдиган асосий мезонга айланиши керак.

**Иккинчидан**, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак.

Ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда. Шунинг учун жорий йилдан барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда. Жумладан, келгуси йилда Навоий кон-металлургия комбинати, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятлари халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Тан олиш керак, мутахассисларнинг билим ва малакаси, йирик корхоналарнинг техник имкониятлари, уларни мустақил трансформация қилиш учун етарли эмас. Шунинг учун электр энергетикаси, нефть-газ ва кимё саноати, машинасозликдаги йирик корхоналар ҳамда тижорат банкларини ислоҳ қилишга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда “МакКинзи”, “Бостон

консалтинг Групп”, “Ротшильд” каби халқаро тан олинган компаниялар жалб этилди.

2021 йилда стратегик аҳамиятга эга бўлган 32 та йирик корхона ва тармоқни трансформация қилиш ишлари амалга оширилади. Банклар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш эътиборимиз марказида бўлади.

2021 йилда “Саноатқурилишбанк”, “Асака банк”, “Ипотека банк”, “Алоқа банк”, “Турон банк” ҳамда “Қишлоқ қурилиш банк”ни хусусийлаштиришга тайёрлаймиз. Камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилади. Бу борада етакчи европа банклари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Таркибий ислохотларнинг яна бир йўналиши бу – давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришдир.

Биз давлат активларини очиқ-ошқора ва самарали сотиш учун, халқаро молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, қатор корхоналарни хусусийлаштиришга оид кенг қамровли ишларни бошладик.

Келгуси йилда “Фарғона азот” ва “Деҳқонобод калий” заводлари, “Кока-кола ичимлиги” корхонаси, “Билдирсой” ва “Чорвоқ” оромгоҳлари, “Ичан қалъа” ва “Ҳайат Реженси” меҳмонхоналари, “Пойтахт” бизнес мажмуаси, Алкоголь, Ёғ-мой каби тармоқлардаги 83 та йирик корхонадаги давлат улуши сотувга қўйилади.

Умуман олганда, давлат улуши бўлган корхоналар сони, келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилади.

**Учинчидан**, товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш зарур.

Ҳозирги кунда электр энергияси, газ, қимматбаҳо металллар, минерал ўғитлар, транспорт хизматлари каби йўналишларда монопол бозорлар мавжуд бўлиб, уларда кўплаб муаммолар сақланиб қолмоқда.

Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Иқтисодий фаоллик ва аҳоли даромадлари ўсгани сайин, энергия ресурсларига бўлган талаб ортиб боради. Шунинг учун нефть-газ ва энергетика соҳаларидаги ислохотларни ва бошланган йирик лойиҳаларни якунига етказишимиз лозим. Жумладан, 2021 йилда давлат ва хусусий электр станциялари ҳамда истеъмолчилар ўртасида электр энергияси улгуржи бозорини шакллантириш бошланади.

Шунингдек, табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор механизмларини жорий этамиз. Бунда ишлаб чиқарувчи ва импортёрларга биржа орқали табиий газни сотиш, улгуржи истеъмолчилар эса газни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. “Ўзтрансгаз” компанияси эса фақат газни транспортировка қилади.

Суўлтирилган газ бозорида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш мақсадида унинг импортига ўрнатилган божлар бекор қилинади.

Заргарлик соҳасида ҳам тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратилади. Бунда келгуси йил 1 мартдан бошлаб, қумушни биржа орқали ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби ўрнатилади.

Автомобиль саноатида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва корхоналарга тенг шароитлар яратиш орқали соҳада ишлаб чиқарувчилар сони кўпайтирилади.

2021 йилдан бошлаб озик-овқат, нефть ва электротехника каби тармоқларда 73 та акциз солиғи бекор қилинади.

Яна бир масала – ҳозирги кунда давлат харидларида атиги 4 фоиз тадбиркор қатнашмоқда.

Келгуси йилда 24 та йирик давлат корхонасига давлат хариди бўйича очиқ-ошқора талаблар жорий этилади. Натижада маҳаллий тадбиркорларимиз ҳар йили камида 10 триллион сўмлик маҳсулотларини ушбу корхоналарга сотиш имкониятига эга бўлади.

Бундан буён барча давлат харидлари жамоатчилик ва Парламент назоратида бўлади.

**Тўртинчидан**, иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.

Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтьгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озик-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд.

Бу тармоқларда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича барча чоралар кўрилиши лозим.

Ҳозирги кунда Ҳозфондаги декоратив тошлар, Намангандаги тайёр кийим-бош, Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги “Технопарк” каби саноат кластерлари ўз самарасини кўрсатиб, шу тизим афзалликларини намоён этмоқда.

Ҳукумат келгуси йил 1 апрелгача истиқболли саноат кластерлари рўйхатини аниқлаб, уларни жадал ривожлантириш учун алоҳида дастур ишлаб чиқсин.

Шунингдек, “божхона ҳудудида қайта ишлаш режими”да саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур.

Шу билан бирга, инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш керак.

Геология соҳасида жорий йилда 21 та кон ва истиқболли майдонлар очиқ аукцион орқали инвесторларга сотилди. 2021 йилда яна 50 та кон ва истиқболли майдонлар маҳаллий ва чет эллик инвесторларга очиқ механизмлар асосида сотилади. Бундай ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттиришимиз керак.

Умуман олганда, келгуси йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарур. Натижада 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилади.

Навоий кон-металлургия комбинатида 2 та йирик металлургия заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида техноген рудани қайта ишлаш заводи, шунингдек, республикамиз бўйича тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, озик-овқат ва фармацевтика тармоқларида юзлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади.

Биргина Тошкентдаги “Яшнобод” технопаркида яна 11 та замонавий электротехника корхонаси ишга туширилиб, у ердаги жами корхоналар сони 17 тага ва ишловчилар сони 11 мингга етказилади.

Тошкент, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида жами қуввати 760 мегаватт бўлган янги электр станциялари ишга туширилади.

Қашқадарё вилоятида қиймати 3 миллиард 600 миллион

доллар бўлган, йилига 1,5 миллион тонна керосин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган мажмуа тўлиқ маҳсулот беришни бошлайди.

**Бешинчидан,** макроиқтисодий барқарорлик – иқтисодий ислохотларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Шунинг учун келгуси йилда инфляциявий таргетлаш доирасида нарх-наво ўсишини 10 фоиздан оширмалик Марказий банк ва Ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлади. Бу борада глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймалик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтирилади.

**Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар кўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади.**

Шунингдек, 2021 йилда иқтисодиётни камида 5 фоизга ўсишини, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиздан оширмалигини таъминлашимиз зарур. Келгуси 2 йилда эса бюджет дефицитини 2 фоиздан оширмалик бўйича Ҳукумат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим.

Мана, валюта бозори эркинлашганига ҳам 3 йилдан ошди. Шу даврда эркин валюта айирбошлаш бўйича юртимизда етарли тажриба тўпланди. Энди иқтисодиётимизнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини босқичма-босқич камайтириш керак. Шу мақсадда келгуси йилда валюта кредитлари улушини ҳозирги 50 фоиздан 45 фоизга, яъни, камида 2 миллиард долларга пасайтириш лозим.

Янги йилда миллий валютада чиқариладиган халқаро облигациялар улушини ҳозирги 25 фоиздан камида 40 фоизга ошириш зарур.

Шу билан бирга, келаси йили банклараро валюта бозори “онлайн” платформага ўтказилади ва тадбиркорларга валютани бевосита банкнинг ўзидан сотиб олиш учун имконият яратилади. Натижада тадбиркорлар валютани ҳозиргидек 4 кунда эмас, ярим соатда сотиб олиши мумкин бўлади.

Яна бир масала – ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра хавфсиз ҳисобланади. Айни вақтда ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалар бундан буён маҳаллий кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этилади. Масалан, кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланади.

Марказий банк молия бозорида рақобатни ошириш мақсадида 1 февралга қадар банк бўлмаган кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойиҳасини киритсин.

Шунингдек, мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-

соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади.

**Олтинчидан,** тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим.

Шу билан бирга, айрим жойларда давлат органлари тизимидаги раҳбар ва мутасаддилар томонидан тадбиркорларнинг мулкка доир ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари давом этмоқда. Бундай мансабдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Бизнес-омбудсманга ваколат беришни таклиф этаман.

Келгуси йилда “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар учун уларнинг бизнес ҳамкорининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилади.

Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар содалаштирилади.

Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз “оёққа туриб олишлари” учун уларга кўмак беришни давом эттираемиз.

Туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган имтиёзлар келгуси йил якунигача узайтирилади. Шунингдек, 20 мингта тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солигини тўлаш муддатини яна бир йилга узайтиришни таклиф этаман.

Бундан ташқари, 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдори 30 фоизга етказилади.

Умуман, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида келгуси йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилади.

Хабарингиз бор, бундан 4 йил олдин тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга мораторий эълон қилган эдик. Бунинг натижасида ўтган даврда тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайиб, 400 мингтага етди. Шунинг учун мораторий муддатини яна бир йилга узайтиришни таклиф этаман.

Шу билан бирга, Ҳукумат томонидан бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш ва ҳалол-пок тадбиркорларни – такрор айтаман – замонавий технологиялар асосида ишлаётган виждонли тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “яширин иқтисодиёт”ни қисқартиришга қаратилган механизмлар жорий этилади.

**Еттинчидан**, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир.

Бунда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозим.

Авалло, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Бу борада ердан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ерларни бозор активларига айлантириш масаласини кўриб чиқиш вақти келди.

Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда ердан фойдаланиш ҳуқуқини мустақамлаш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш механизмларини жорий қилиш бўйича таклиф киритсин.

Келгуси йили барча вилоятларда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказлари ташкил этилиб, уларда “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ агрохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Бу марказлар орқали ернинг сифатини яхшилаш, касалликларга қарши курашиш, уруғликларни танлаш билан боғлиқ муҳим хизматлар кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, рақамлаштириш, ернинг унумдорлигини ошириш, замонавий агротехнологияларни жорий этишга илк бор 600 миллион доллардан зиёд кредит ва грант маблағлари жалб қилинади.

Сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари 5 баробарга кўпайтирилиб, 430 минг гектарга етказилади, 90 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади.

**Саккизинчидан**, барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари биринчи марта 2020 йил бошида ўз зиммасига олган мажбурият ва режалари ижроси ҳақида маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобот берди.

Бугунги кунда ишимиздаги энг катта камчилик – билим етишмаслиги, афсуски, барча соҳаларда сезилмоқда.

Ҳолбуки, бирорта ҳудудни ҳам, тармоқни ҳам замонавий илм ва билимларсиз ривожлантириб бўлмайди. Тараққий этган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортиғи “билимлар иқтисодиёти” ҳисобидан, яъни, инновациялар ва юқори малакали кадрлар томонидан яратилаётгани буни яққол исботламоқда.

Бундан буён ҳар бир қишлоқ ёки маҳалла ўз йўналиши ва “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб ривожлантирилади. Бунинг учун келгуси йилда 3 триллион сўмлик маблағга эга бўладиган ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасини тузишни таклиф этаман. Жамғарма маблағлари маҳаллий кенгашлар таклифларига асосан инфратузилма лойиҳаларини кўшма молиялаштиришга йўналтирилади.

Шунингдек, 84 та туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилади.

Келгуси йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш учун 1,6 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳукумат ҳудудларда 130 минг километр узунликдаги паст кучлишлик электр тармоқлари ва 40 мингдан ортиқ трансформаторни босқичма-босқич янгилаш дастурини келгуси йил 1 апрелга қадар тасдиқлаши зарур. Шунингдек, 5 мингдан ортиқ таъмирталаб кўприкни тиклаш бўйича дастур қабул қилинади. Бу ишларга 2021 йилда 400 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Яна бир муҳим масала – сўнгги 3 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Лекин пандемия туфайли ушбу йўналишдаги ишларимизни вақтинча тўхтатишга мажбур бўлган эдик.

Ҳукумат бир ой муддатда 2021 йил учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Ушбу дастурларни республика ва маҳаллий бюджетлар томонидан тенг улушларда молиялаштиришни назарда тутсин.

Халқаро молия институтлари ҳам мазкур дастурда иштирок этиш учун 270 миллион доллар йўналтиришга тайёр эканини билдирди.

Ҳудудларнинг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бу – уларнинг ўртасида транспорт алоқасини таъминлашдир. Қисқа қилиб айтганда, барча аҳоли пунктларидан пойтахтимизга, энг йирик шаҳарлар ва туристик марказларга тезда келиб-кетиш имкониятини берадиган, ўзаро боғланган транспорт тармоғини яратишимиз лозим.

Шу мақсадда Ҳукуматга кейинги йил 1 мартдан бошлаб ички туризм йўналишларидаги авиақатновларни йўлга қўйиш ва авиачипта нархининг бир қисмини бюджетдан қоплаб бериш тизимини жорий этиш вазифаси юкланади.

Шунингдек, бир қатор ҳудудий аэропортлар давлат-хусусий шериклик асосида ташқи бошқарувга берилади.

Кейинги йилда 2 та тезювар поезд ҳаракати йўлга қўйилади, Бухоро – Урганч – Хива темир йўлини электрлаштириш бошланади.

Аҳоли пунктлари ўртасидаги, айниқса, қишлоқларни туманлар марказлари билан боғлайдиган узлуксиз автобус қатновлари хусусий секторни жалб қилиш орқали кўпайтирилади.

Тошкент шаҳрида ер усти метросининг 12 километрлик иккинчи босқичи фойдаланишга топширилади. Шу тариқа ер ости ва ер усти метро линиялари яхлит тизим сифатида бир-бирига уланади.

Туризмни ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислохотларни давом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш учун бюджетдан 1 триллион сўм ажратилади.

**Тўққизинчидан**, келгуси йил аҳолининг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилади.

Ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос “ижтимоий модели”га босқичма-босқич ўтилади.

Муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Бу имкониятдан қарийб 50 минг нафар юртдошимиз фойдаланиши мумкин бўлади.

Эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича

олиб бораётган ишларимиз кўлами янада кенгайтирилади. Бунда 27 мингта ёки бу йилга нисбатан 2,5 баробар кўп оиланинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадалларини тўлаш ва кредит фоизларини субсидиялаш учун 2,4 триллион сўм йўналтирилади.

**Ўинчидан**, янги экспорт бозорларига чиқиш Ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш лозим.

“GSP+” тизими доирасидаги имтиёزلарни мамлакатимизда самарали қўллаш учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш керак.

Ўзбекистон яқинда Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомини олди. Ушбу ташкилотга аъзо бўлган давлатлар бозорларида тўлақонли иштирок этиш учун миллий техник тартибга солиш меъёрларини уларнинг талабларига мослаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур.

Келгуси йилда корхоналарга хомашё сотиб олиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 100 миллион доллар ажратилади.

Экспорт қилувчиларга чет элда савдо уйлари ва дўконлар очиш ҳамда реклама харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади.

Умуман, Ҳукуматга келгуси йилда товар ва хизматлар экспортини камида 20 фоизга ошириш вазифаси топширилади.

#### **Ҳурматли парламент аъзолари!**

Ислохотларимиз халқимизнинг кундалик ҳаётида ўзифодасини топиши, кутган натижаларимизга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ. Шу мақсадда келгуси йилда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим.

**Биринчидан**, давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади.

Кўпгина вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашган. Уларнинг вазифалари аниқ ва тўлиқ белгиланмагани сабабли фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд. Сабаби – кўпчилик вазир ўринбосарлари, ўрта бўғин раҳбарлари масалани ҳал қилиш учун ташаббус кўрсата олмайди.

Бунинг сабаби нимада? Уларнинг ё билими, малакаси йўқ, ё қатъияти етмайди, ёки коррупцияга берилган.

Афсуски, бундай раҳбарлар аҳоли кутаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш ўрнига кераксиз қоғозбозлик ва натижасиз мажлислар ўтказиш билан овора бўлиб қолмоқда.

Яна бир жиддий камчилик шуки, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш чоралари кўрилмаяпти.

Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда бошқарувда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрласин. Бунда давлат бошқаруви ходимлари сонини ўртача 15 фоизгача оптималлаштиришни назарда тутиш зарур.

Келгуси йил охирига қадар электрон давлат хизматларини 60 тага кўпайтириб, уларни 300 тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш зарур.

**Иккинчидан**, бошқарув идораларининг ҳудудий

масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтирилади.

Келгуси йил бошидан ҳар бир вазирлик ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштиради ва ташкил этади. Вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятига жойларда амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳо берилади.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ўзларининг қуйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб бориш учун масъул бўлади.

Депутат ва сенаторларни ўзлари сайланган ҳудуддаги муаммолар, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар томонидан қай даражада ҳал этилаётганини доимий ўрганиб, назорат қилиб боришга чақираман.

Шу ўринда яна бир масала – туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маошини ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилаш лозим. Масалан, Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида 150 минг, Ургут туманида 500 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ёки Шайхонтоҳур тумани аҳолиси қарийб 350 минг, Бектемирда эса – 46 минг нафар. Лекин ушбу туманларда бошқарув ходимлари сони ва уларнинг иш ҳақи бир-биридан катта фарқ қилмайди.

Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда ўрта ва қуйи бўғин бошқарув идораларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, улардаги ходимлар сони ва меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

**Учинчидан**, маҳаллий ижро органлари, вакиллик идоралари ҳамда маҳалланинг институционал асосларини янада такомиллаштириш лозим.

Маҳаллий ҳокимлик ва кенгашлар бундан 27 йил аввал, яъни, ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган Қонун асосида ишламоқда. Бу ҳужжат бугунги ислохотларимиз талабларига мутлақо жавоб бермаслигини ҳисобга олиб, уни тубдан янгилаш зарур.

Ислохотларимиз натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг қайфияти аввало маҳаллада сезилади. Шу маънода, **“маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси”**, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижани таъминлаши шарт.

Бундан буён маҳалладаги ишларнинг аҳоли вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ишини баҳолашда бош мезон бўлади.

Шунингдек, маҳалланинг нуфузини, унинг ресурс ва имкониятларини ошириш, ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқиш зарур.

Жорий йилда туманлар бюджетига қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини бевосита маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга сарфлаш бўйича ишларни бошлаб, бу мақсадларга 70 миллиард сўм ажратилди. Энди бу ваколатни янада кенгайтириб, туман бюджети харажатларининг 5 фоизини ҳам ана шундай мақсадларга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилади.

Бунинг натижасида бу янги эксперимент орқали биргина

Ғиждувон туманида 8 миллиард сўм ёки Фарғона шаҳрида 11 миллиард сўм маблағ айнан аҳоли долзарб деб ҳисоблайдиган муаммоларни ҳал этиш учун сарфланади.

Маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини кенгайтириб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш имконини яратишимиз керак. Бунда маҳалла раисига маҳаллий кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқини бериш лозим. Бу орқали муаммоларни тезкор ҳал қилишга эришиш имконияти яратилади.

Маҳаллада ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйилади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат, Вазирлар Маҳкамаси билан бирга 2021 йил 1 апрелга қадар маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалла институти фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқсин. Ушбу ҳужжатларда ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг ваколат чегараси, вазифа ва функциялари аниқ белгиланиши лозим.

**Тўртинчидан**, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт.

Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур.

Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан муросасиз бўлиш ғоясини фарзандларимизга ёшлик давридан бошлаб синдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даромад топишни ўргатишимиз лозим.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олишда барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари, очиқ ва фақат очиқ бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, фуқароларимиз жорий йилдан бошлаб очиқ эълон қилинаётган давлат харидларига оид маълумотлардан фойдаланиб, ўринли масалаларни кўтармоқда.

Молия вазирлиги уч ой муддатда давлат идоралари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатлари, давлат улушига эга бўлган ташкилотлар харидлари, давлат субсидия ва грантларига оид маълумотларни эълон қилиш амалиётини йўлга қўйсин.

Бундан ташқари, охириги икки йилда ҳокимларнинг 2,5 мингга яқин қарори судлар томонидан бекор қилинган бундан буён уларнинг қарор қабул қилишида очиқликни таъминлаш зарурлигини тақозо этмоқда. Шунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларини ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизими жорий этилади.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бир ой муддатда очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича таклиф киритсин.

Коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири – кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйишдан иборат. Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошқора танлов тизими жорий этилади.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилади.

**Бешинчидан**, ислохотларимиз самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозим.

Сўнгги 4 йилда барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 150 та қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Лекин жойларда барча раҳбарлар ҳам ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушуниб, берилган имкониятлардан фойдаланмоқда, аҳоли ва тадбиркорларга зарур шарт-шароит яратмоқда, деб айта олмаймиз.

Амалдаги назорат тизими эса кўпроқ формал тусга эга бўлиб, ижронини ташкил этишдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга йўналтирилмаяпти. Шунинг учун келгуси йилда бу борада янги иш тизими жорий этилади.

Энди Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимларининг асосий вазифаси қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилишдан иборат бўлади. Шу мақсадда Адлия вазирлигига зарур ваколат ва ресурслар берилади.

Шунингдек, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини ташкил этишда жамоатчилик иштироки ва назорати кенг йўлга қўйилади. Жумладан, “жамоатчилик эшитувлари” ва “жамоатчилик мониторинги” тизими жорий қилинади. Бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар ҳам фаол жалб этилади.

Шунингдек, таҳлиллар асосида ижрога ҳалақит бераётган ортиқча вазифа ва функциялар қисқартирилади.

Давлат идораларидаги ижро сифати ва ҳолатини вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларида, республика даражасида эса – Вазирлар Маҳкамасида ҳар ойда танқидий муҳокама қилиб бориш амалиёти жорий этилади.

Ҳукумат Адлия вазирлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Давлат бошқаруви академияси билан бирга бир ой муддатда ушбу тизимни жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгиласин.

Адлия вазирлиги барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение орқали **“Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда”**, деган мавзуда кўрсатув ва чиқишлар ташкил этиб, халқимизга ислохотлар моҳияти ва натижаларини етказиб бориш тизимини жорий этсин.

**Олтинчидан**, давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш –ислохотларимизнинг энг устувор йўналишларидан биридир.

Хабарингиз бор, айна пайтда Касаба уюшмалари федерацияси бошчилигида мутасадди идоралар, банклар ва ҳокимликлар томонидан жойларда уйма-уй юриб, 6 миллиондан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилди.

Аччиқ бўлса ҳам, тўғриси тан олиб айтишимиз керак: бу ўрганишларимиз натижасида биринчи марта жойлардаги ҳақиқий аҳвол юзага чиқди. Шулар асосида “Аёллар дафтари” шакллантирилмоқда, хотин-қизларни қийнаётган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топилмоқда.

Бу ишларга маҳаллаларда янги ташкил этилган “Аёллар маслаҳат кенгашлари” ҳам яқиндан кўмак бермоқда. Лекин бу ҳали аёллар муаммоларини ечиш учун биз бажаришимиз шарт ва зарур бўлган ишларнинг бошланиши, холос.

Биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момо-

ларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим.

Аёлларнинг андиша қилиб, биз эркакларга айта олмаган дарду ташвишлари, кундалик муаммолари, орзу-ниятларини уларнинг ўзидан яхши тушунадиган инсон йўқ.

Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича олиб борган ислохотларимиз натижасида Парламентимиз янги таркибининг 30 фоизи аёллардан иборат бўлди. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Энди хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги кадам сифатида ҳаётни ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор опа-сингилларимиздан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этишни таклиф қиламан.

Кенгашга бу борада катта тажрибага эга бўлган Сенатимиз Раиси Танзила Камаловна Нарбаева раҳбарлик қилса, деган таклифни билдирсам, ўйлайманки, барчангиз мени қўллаб-қувватлайсиз.

Жойлардаги Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятига эса ҳокимларнинг ушбу масалалар бўйича маслаҳатчилари раҳбарлик қилиши энг тўғри йўл бўлади.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича республика ва ҳудудий жамғармаларни янги ташкил этиладиган кенгашлар ихтиёрига ўтказиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман.

Аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. Бунинг учун “Халқ банки” томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилади.

Олий Мажлис палаталари ва Ҳукумат бир ой муддатда хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқсин.

Яна бир муҳим масала – нуруний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздор.

Республика “Нуруний” жамғармаси томонидан кексаларга доимий ёрдам кўрсатилиши учун унинг молиявий имкониятлари янада кенгайтирилади. Бунинг учун кейинги йилда ушбу жамғармага бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 16 мингдан зиёд кексаларга ёрдам бериш, уларнинг ҳаётини мазмунли ташкил этиш учун тўловлар миқдори оширилади ҳамда уларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар кўлами кенгайтирилади. Шунингдек, Бухоро, Қарши ва Урганч шаҳарларида янгидан ташкил этиладиган сиҳатгоҳларда ҳамда мавжуд дам олиш масканларида жами 25 мингдан ортиқ нурунийларнинг соғлиги тикланади.

Марказий телеканалларимизда намойиш этилаётган “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” кўрсатуви сони кўпайтирилиб, мазмунан бойитилса, шунингдек, “Нурунийлар маслаҳати”,

“Маҳаллада гурунг” каби янги кўрсатувлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Еттинчидан**, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашни давом эттирамиз.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратиш зарур.

Айниқса, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб этилади. Бундай ҳамкорликни, энг аввало, таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби муаммоли соҳаларда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишларни ташкил этиш учун келгуси йилда бюджетдан 60 миллиард сўм йўналтирилади.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институтини жорий этишни таклиф қиламан. Ушбу вакил қўйи палата йигилишларида иштирок этиш, қабул қилинаётган қонунларга таъсирчан жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик масалаларини киритиш бўйича таклифлар бериш ваколатига эга бўлиши зарур, деб ҳисоблайман.

Навбатдаги муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни холис ёритиш билан бирга, жойлардаги мавжуд долзарб муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни бартараф этишга барча даражадаги раҳбарларни даъват этиб, ундаб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар том маънода “тўртинчи ҳокимият”га айланиб бормоқда.

Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин **ошкоралик ва сўз эркинлиги бу – давр талаби, бу – Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби.**

Биз ўтган тўрт йил давомида жамиятимизда ошкоралик ва очиқлик, сўз эркинлиги муҳитида яшаш ва ишлашга аста-секин ўрганиб бораёмиз.

Холис ва адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари эскича қолипда ишлайдиган раҳбарларнинг фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларни иш услубини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилмоқда.

Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт.

Бу борадаги мавжуд қонунчиликни либераллаштириш йўлида ташланган дадил қадамларимизнинг далили сифатида куни кеча Жинойт кодексининг оммавий ахборот воситалари орқали “туҳмат” ва “ҳақорат қилиш” каби моддалари бўйича озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо чоралари бекор қилинди.

Келгуси йилда ҳам сўз эркинлигини таъминлаш, омма-

вий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар янада кучайтирилади.

Мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришнинг дастлабки даврида оммавий ахборот воситаларини кенг қўллаб-қувватлаш, уларни ҳимоя қилиш, давлат идораларида ахборот хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилган эди. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш, уларни янада ривожлантириш, мустақил фаолият юритишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Агентлик фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблайман.

### **Ҳурматли депутат ва сенаторлар!**

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар янги йилда ҳам изчил давом эттирилади.

Хабарингиз бор, сўнгги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислох этиш борасида дадил қадамларни қўйдик. Бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Адолат бу – давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

**Биринчидан**, янги йилдан бошлаб жорий этиладиган **“бир суд – бир инстанция”** тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиши лозим.

Ҳозирги кунгача вилоят судлари чиқарган қарор устидан берилган шикоятлар шу судларнинг ўзида кўриб чиқилар эди. Биргина 2019 йилда вилоят судлари қабул қилган 13 мингта шундай қарор Олий суд томонидан ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Келгуси йилдан бошлаб бир-бирини такрорлайдиган суд босқичлари қисқартирилади. Одил судловга хос бўлмаган ишларни назорат тартибида кўриш амалиёти бекор қилинади.

Навбатдаги муҳим масала – янги йилдан бошлаб фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари бўйича вилоят даражасидаги 3 та судлар битта суд сифатида бирлаштирилади. Бу янгилик аҳоли ва тадбиркорларга катта қулайликларни яратади. Шунингдек, келгуси йилдан суд муҳокамасига қадар судда ишларни дастлабки эшитиш амалиёти янги тартиб сифатида жорий этилади. Бунда ишни тўхтатиш ёки тугатишга асос етарли бўлса, суд ишни аввалгидай тергов ёки прокурорга қайтармасдан, ўзининг якуний қарорини қабул қилади.

Яна бир муҳим янгилик – инвесторлар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилди.

Энди инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, низони ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри Олий судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларимизга суд биносига келиб юрмасдан, “онлайн” тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилади. Шунинг-

дек, фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши мумкин бўлади.

**Иккинчидан**, жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш борасидаги ишлар давом эттирилади. Жумладан, халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колониялар босқичма-босқич қисқартирилади.

Бундан буён биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо энгилроғи билан алмаштирилса, у манзил-колонияга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олинади. Мазкур энгиллик натижасида ҳозирда жазо ўтаётган 6 минг нафар шахсга ўз маҳалласи назорати остида оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, жазони энгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилади.

**Учинчидан**, тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарур. Ушбу ҳолатлар ҳали ҳам учраб тургани, фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқараётгани ҳамда мамлакатимизнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳам айна ҳақиқат.

Олий Мажлис палаталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан икки ой муддатда ўз тақлифларини ишлаб чиқиши зарур. Бунда Омбудсман томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига “мониторинг ташрифлари” тизими йўлга қўйилиши керак.

Олий Мажлис палаталари ҳар йили Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича маърузасини эшитиб, бу иллатга бутунлай барҳам бериш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим.

**Тўртинчидан**, ўтган йили 1995 йилгача юртимизга кўчиб келганларга Ўзбекистон фуқаролигини тўғридан-тўғри бериш тартиби белгиланди. Бу билан 50 минг нафардан ортиқ шахсларга фуқаролик олиш имконияти яратилди.

Келгуси йилда бу ишларни давом эттириб, 2005 йилгача мамлакатимизга келиб доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини берсак, нима дейсизлар? Бу ўзгариш билан яна 20 минг киши Ўзбекистон фуқароси бўлиш имкониятига эга бўлади.

Бундан буён юртимизда 15 йил давомида муқим яшаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини беришнинг доимий тартиби жорий қилинади.

### **Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!**

Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар яқин-узоқ минтақаларда кузатилаётган зиддият ва тўқнашувлар шароитида биз юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада жадаллаштиришимиз лозим.

Келгуси йилда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислохотларимизни давом эттирамиз. Хусусан, Қуролли Кучларимиз қудратини, кўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратамиз.

Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир

маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилади. Ҳуқуқ-тартибот идораларини аҳоли осойишталиги ва фуқаролар манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айлантиришга қаратилган ислохотларимиз изчил давом эттирилади.

Сўнгги йилларда республикада юз берган табиий ва техноген офатлар, куз-қиш мавсумида содир бўлаётган ёнғин ва бошқа кўплаб нохуш ҳолатлар бу борадаги мавжуд тизимни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Юртимизда барпо этилаётган кўплаб йирик объектлар ва баланд қаватли биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг янги тизимини ташкил этиш зарур. Шунингдек, соҳанинг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини тубдан мустаҳкамлаш лозим.

Шу сабабли 2 ой муддатда “Фавқулоддаги ҳолат тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ҳамда юқорида қайд этилган муаммолар ечимига қаратилган Ҳукумат дастури ишлаб чиқилсин.

### **Ҳурматли сенатор ва депутатлар!**

#### **Қадри меҳмонлар!**

Келгуси йилда мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда қуйидаги вазифаларга устувор аҳамият берилади.

**Биринчидан**, давлатимиз олиб бораётган очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсатни инobatга олиб ҳамда узоқ муддатли стратегик мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси такомиллаштирилади.

**Иккинчидан**, ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничлик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Мураккаб пандемия шароити биз бир-биримизга қанчалик боғлиқ ва керак эканлигини яна бир бор яққол намоён этди. Бу ижобий жараёнларни чуқур ўрганиш ва янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё халқаро институти ташкил этилди.

Келгуси йили Тошкентда минтақамизнинг Жанубий Осиё билан муносабатларига доир юқори даражадаги халқаро конференция ўтказилади.

Шулар қаторида Хива шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда “Марказий Осиё ҳақон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро анжуманини ўтказиш режалаштирилган.

**Учинчидан**, асосий хорижий шерикларимиз ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтираамиз.

Ташқи ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари ҳамда юртимизнинг чет эллардаги элчилари мазкур давлатлар билан янги, янада самарали иш тизимини жорий этишлари зарур.

**Тўртинчидан**, биз кўшни Афғонистон заминидан тинчлик ўрнатилишига қатъий ишонамиз ва бу эзгу йўлда амалий ёрдамни бундан кейин ҳам аямаймиз.

Афғон муаммосини ҳал этишга қаратилган глобал саъй-ҳаракатларга Тошкент Халқаро конференцияси ҳам мустаҳкам пойдевор яратди, десак, муболага бўлмайди.

Ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан

боғлайдиган Транс-афғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамларни ташладик. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақамизда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга беқиёс хизмат қилади.

**Бешинчидан**, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Жорий йилда республикада илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига раислик қилди ва пандемияга қарамасдан, кўзда тутилган 60 дан зиёд барча халқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 70 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

2021-2022 йилларда Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиши бўйича ҳам жиддий тайёргарликни бошладик.

**Олтинчидан**, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва диний эътиқод эркинлиги бўйича эришаётган ютуқларимизни тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил мустаҳкамлаб борамиз.

Келгуси йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида “Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” глобал форуми, ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Бутунжаҳон ёшлар анжумани, диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий конференцияларни ўтказамиз.

**Еттинчидан**, дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш ва улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида “Ватандошлар” жамғармасини тузишни таклиф этаман.

**Саккизинчидан**, жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз.

Барчангизга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июль – Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланади. Шу боис ушбу санани Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги куни” деб белгилашни таклиф этаман.

**Тўққизинчидан**, минтақамизда, бутун дунёда экологик вазиятнинг тобора ёмонлашиб бораётгани бизни жиддий ташвишга солади.

Кўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттираамиз.

Денгизнинг қуриган тубида юз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар ташкил этилаётгани, Оролбўйи ҳудудларида амалга оширилаётган улкан қурилиш ва ободончилик ишлари халқимизни юксак марралар сари руҳлантирмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ишларни янада кучайтираамиз.

#### **Азиз ва муҳтарам ватандошлар!**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таҳлилларига кўра, пандемия хавфи ҳали узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин. Демак, инсоният бошидаги синовлар яна қанча давом этиши номаълум.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш

ташкilotи, нуфузли экспертлар прогнозига кўра, пандемия бутун дунёда инқирозли ҳолатлар, ижтимоий кескинлик, қаш-шоқлик каби муаммоларни кучайтириши мумкин.

Барчамизга аёнки, пандемиядан кейин дунёнинг ижтимоий-иқтисодий манзараси албатта ўзгаради.

Тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кучли ва самарали бошқарув тизими, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган аҳолига эга бўлган давлатлар пандемиянинг кенг тарқалиш хавфини ўз вақтида бартараф этишга қодир бўлади. Буни Ўзбекистоннинг пандемия давридаги кураш тажрибаси ҳам исботлаб турибди.

Лекин эришган натижаларимизга махлиё бўлмасдан, жаҳондаги вазиятга сергаклик билан қараб, барчамиз – ким бўлишимиз, қайси вазифада ишлашимиздан қатъи назар, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлаш ҳақида жиддий ўйлашимиз зарур.

**Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислохотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт.**

Глобал инқироз шароитида иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, жойлардаги мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш, кўмакка муҳтож юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш, ёшларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш – Президентдан бошлаб, барча даражадаги раҳбарларнинг бош вазифаси бўлмоғи даркор.

Ана шу ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда асосий талаб – давлат ва жамият институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш, бу жараёнда натижадорлик ва сифатни оширишдан иборат.

2021 йилда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа – Президентлик сайлови бўлиб ўтади.

Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юксак савияда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Биринчи навбатда, сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар бўйича билимларини тизимли асосда шакллантириш керак.

Ўтган сайловларда халқаро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш ишларини давом эттирамиз.

Бу муҳим сиёсий кампания янги Ўзбекистон шароитида сайловчиларимиз, барча фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқараши, гражданлик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор намоён этади, деб ишонаман.

### **Азиз дўстлар!**

Ўйлайманки, бугунги Мурожаатномада ўртага қўйилган устувор вазифалар бўйича парламентимиз, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, кўпни кўрган донишманд нурунийларимиз, ташаббускор ёшларимиз – кенг жамоатчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Ҳукумат бир ой муддатда ана шу устувор йўналишлар ва вазифалар бўйича кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар, фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, **2021 йил Давлат дастурини ҳамда Ўзбекистоннинг пандемиядан кейинги тараққиёт дастурини** ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

Шуни таъкидлаш керакки, ўз олдимизга қўйган марраларга эришиш учун бизда табиий ресурслар ҳам, куч ва имкониятлар ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Ортимизда, тоғдек таянч ва суянч бўлиб турган кўпмиллатли халқимиз – ҳаёт йўлларида тўғри йўл кўрсатадиган мўътабар нурунийларимиз, меҳнаткаш, оқила опа-сингилларимиз, илғор ва замонавий фикрлайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган азму шижоатли ёшларимиз бор.

Энг муҳими, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат муҳити ҳукм сурмоқда.

Биз барчамиз **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган ягона мақсад атрофида бирлашиб, масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда, фидокорона меҳнат қилиб, ўз орзу-мақсадларимизга, иншооллоҳ, эришамиз.

Бугун яхши ниятлар билан жуда катта марраларни ўзимизга белгилаб олмоқдамиз. 2021 йилда олдимизда ҳар қачонгидан ҳам зарур, ўта муҳим вазифалар турибди. Албатта, уларга эришиш осон бўлмайди. Ҳаётимизнинг турли соҳаларида муаммо ва камчиликларимиз ҳам етарли. Жойларда ишни тўғри ташкил этмаслик, айрим раҳбарларда савия ва малака етишмаслиги, бюрократия, коррупция ҳолатлари, лоқайдлик ва бепарволик каби нуқсонлар ҳам борлиги сир эмас.

Биз буларнинг барчасини ўзимизга яхши тасаввур эта-миз. Йўлимизда катта ғов бўлиб турган тўсиқларни бартараф этиш учун бошлаган ислохотларимизни огишмасдан давом эттирамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, янги йилда янада катта сафарбарлик руҳида ишлашимизга тўғри келади.

**Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас.**

Эл-юртимиз ҳозирги оғир шароитда барча синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва иродали бўлиб чиқмоқда. Ўзининг ҳаёти ва тақдири, келажаги Ватанимизнинг тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур ҳис этмоқда.

**Ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустақкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишининг ўзи катта бахт, катта шарафдир.**

**Барчамизга ана шу улуг сафда бошқаларга ибрат ва намуна бўлиш, жонажон Ватанимиз, азиз халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш насиб этсин!**

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сизлар орқали барча ватандошларимизни кириб келаётган янги – 2021 йил билан чин қалбимдан табриклайман.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, фарзандлар, набираларнинг камолини кўриш бахтини тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, катта раҳмат сизларга.

**Танзила НАРБАЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Раиси



## ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

### Янги ташкил этилган “Қонунчилик муаммолари ахборотномаси” даврий нашри жамоасига

Аввало, “Қонунчилик муаммолари ахборотномаси” даврий нашрига асос солинганлиги муносабати билан янги нашр тахририяти ва муштарийларини Олий Мажлис Сенати номидан чин кўнгилдан табриклайман!

Ишончим комилки, Янги Ўзбекистон қурилишининг ҳозирги босқичида қонунчилик муаммоларини тадқиқ этиш, уларнинг ечимларини излашга қаратилган ушбу журнал мамлакатимиз миқёсида энг муҳим, умуммиллий, илмий-амалий лойиҳалардан бирига айланади.

Ўйлайманки, нашр фаолияти миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уни жаҳон стандартларига мос равишда ривожлантириш бўйича бошланган аъналарнинг мантиқий давоми бўлади. Шунингдек, журнал мамлакатимиз жамоатчилиги ва халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли фаолиятдан хабардор этиш учун астойдил хизмат қилишга бел боғлаган.

Нашр саҳифаларидаги қонунчилик жараёнларига оид муҳим масалаларнинг, воқеаларнинг чуқур таҳлилий баён этилганлиги, ҳуқуқий жараёнларнинг ҳар томонлама одилона ёритиб берилганлиги, олиб борилаётган демократик жараёнларга ўз вақтида ошкора жавоб бера олиши ўз олдига тўғри мақсад қўйганлигидан далолатдир. Унда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалаларининг ҳам кенг қамровли кўриб чиқилиши, мутахассислар ва муштарийларнинг кенг доирасига қонунчилик қоидаларини тўғри тушунтириш, ечимини топиш қийин бўлган мураккаб масалаларни ҳал этишда қонун нормаларини оқилона қўллаш имкониятини беради. Журнал жамоаси ана шундай эзгу ишларни жамоатчилик вакиллари тарғиб этиш каби эзгу фаолиятни ўз олдига мақсад қилиб олган. Шу боисдан нашр жамоасига ижодий баркамоллик, барча режалари ва ғоялари муваффақиятли амалга ошишини, салмоқли ютуқларга, ўқувчилар эътибори ва миннатдорчилигига эришиб боришларини тилайман.

Ушбу янги нашр, мамлакатимиз илмий юридик матбуотлари орасида муносиб ўрин эгаллашига, мавзулар, мақолаларда кўтарилаётган муаммолар долзарблиги жиҳатидан ўқувчиларнинг диққат марказида бўлишига ишонаман.

Бошлаган ишингиз муваффақиятли бўлсин!



**Нурдинжон ИСМОИЛОВ,**  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Олий Мажлиси Қонунчилик  
 палатасининг Спикери

## ҚУТЛОВ

### “Қонунчилик муаммолари ахборотномаси” журналининг илк сони учун

“Қонунчилик муаммолари ахборотномаси” даврий нашрининг ташкил этилиши муносабати билан барча мутасадди ва таҳририят ходимларини қизгин қутлаб, қуйидаги фикрларни билдирмоқчиман.

Мазкур нашр Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ва кенг қамровли ислохотлар туфайли жамият ва давлат қурилишида юз бераётган мисли кўрилмаган ўзгаришлар натижалари ўлароқ ташкил этилмоқда. Маълумки, қонун ижодкорлигининг салмоғи илгариги даврларга қараганда бир неча баробар ошди. Парламент назорати ҳам давлатимизнинг ривожланиш курсига мос равишда муҳим самарадорликка эришмоқда. Шу билан бир қаторда мазкур соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни ҳал этишда мазкур даврий нашр ҳам ўз ўрнига эга бўлади, деб умид қиламан.

Ўйлайманки, “Қонунчилик муаммолари ахборотномаси” журнали қонун ижодкорлиги ва парламент назоратидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг илмий асослари манбаига айланади. У парламент билан ўқувчиларнинг кенг жамоаси ўртасида муҳим мулоқат воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ушбу нашрнинг чоп этилиши Институт томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини кенг жамоатчилик орасида эълон қилинишини таъминлайди. Шунингдек, миллий ва жаҳон парламентаризми тажрибаларини ўрганиш бўйича хулосалар ҳам нашрнинг диққат марказида бўлишини истардим.

Албатта, нашр олдида қўйилган вазифаларни бажариш таҳририят жамоасидан катта ғайрат ва масъулият талаб этади. Янги нашр қонунчилик жараёнларининг янада самарали бўлишига муносиб ҳисса қўшишида катта муваффақиятлар тилайман. Юридик фан, хусусан, парламентаризм илмий назариясидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишига умид қиламан.

Таҳририят ходимларига ижодий баркамоллик, мустаҳкам саломатлик, бошлаган масъулиятли ишларида катта зафарлар тилайман! Нашрнинг тез орада ўқувчилар олқишига сазовор бўлишига, юридик нашрлар орасида алоҳида обрў-эътиборга эга бўлишига тилакдошман!

**Русланбек ДАВЛЕТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазири



## ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш узок муддатли ҳамда қарама-қаршиликларга жуда бой жараёнدير. Бундаги асосий ролни эса адолатли қонунлар чиқара оладиган ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилиш қобилятига эга бўлган парламент ўйнаши лозимдир. Ҳар бир соҳанинг ривожини кўп жиҳатдан унинг қай даражада илмий асосга таянганига ҳам боғлиқ бўлади, шу жумладан қонунчилик жараёни ҳам. Бу борада Олий Мажлис палаталарининг самарали фаолият юритишига ўзининг илмий-ҳуқуқий хулосалари ва ахборот-таҳлилий маълумотлари билан фаол кўмаклашиб келаётган Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг ўрни айниқса аҳамиятлидир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, 2020 йилда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан амалдаги қонунлар ва қонун лойиҳалари юзасидан 29 та илмий-ҳуқуқий хулоса, 10 та Олий Мажлис палаталарининг қарор лойиҳалари, 122 та ахборот-таҳлилий маълумотлар, 10 та чора-тадбирлар Дастури лойиҳалари юзасидан асослангиланг таклифлар тақдим этилган. Шунингдек, депутатлар ва сенаторлар фаолиятига услубий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида 2 та амалий қўлланма ҳам тайёрланган.

Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти жамоасининг ушбу самарали меҳнатларини эътироф этган ҳолда, уларнинг мантқиқий давомчиси сифатида “Қонунчилик муаммолари ахборотномаси” даврий нашрининг ташкил этилиши айни муддаодир. Шу боис ҳам ушбу янги даврий нашрнинг ташкил этилганлигини қўллаб-қувватлаймиз ва ўз вақтида қабул қилинган қарор сифатида маъқуллаймиз.

Ушбу журнал ҳуқуқ, сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда ўтказилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини жамоатчиликка ўз вақтида етказиб бера оладиган, соҳа ривожини учун зарур бўлган ҳуқуқий ахборот нашри деб ҳисоблаймиз.

Қўлимиздаги журнал ўз саҳифаларидаги ахборот-таҳлилий материаллари билан энг аввало Олий Мажлис палаталари депутатлари ва сенаторларининг профессионаллик даражасини янада оширишга кўмаклашадиган, қолаверса кенг жамоатчиликнинг мазкур соҳадаги билимларини оширишга хизмат қиладиган кўмакдош бўлишига ишонч билдириб қоламиз.

Янгиланаётган жамиятимизда янги қадам билан кириб келган ушбу янги даврий нашрнинг илк қадами қутлуғ бўлсин! Институт жамоасининг ва таҳририят кенгашининг ушбу бошлаган савобли ишлари самарали ва давомли бўлсин!



**Убайдулла МИНГБОЕВ,**  
Ўзбекистон судьялари ассоциацияси Раиси,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист

## ҲУҚУҚИЙ РАҚОБАТ МАЙДОНИГА ОҚ ЙЎЛ!

Бугун ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНда амалга оширилаётган шиддатли ва тизимли ислохотлар негизда аввало, халқни рози қилиш, уларни ҳаётдан мамнун яшаши учун тегишли ҳуқуқларни мустаҳкамлаш, ҳуқуқнинг тенглик принципларини кенг тарғиб этишга қаратилган эзгу ғоялар мужассам бўлиб, булар жамиятда ҳуқуқий саводхонликни юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу каби мақсадларнинг рўёбга чиқиши учун эса ҳар бир соҳа ўз овозига, ўз минбарига эга бўлиши лозим.

Муҳтарам ўқувчи!

Қўлингиздаги янги журнал – “Қонунчилик муаммолари ахборотномаси” илмий-амалий даврий нашри Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан ташкил этилди. Ишонч билан айтиш керакки, мазкур нашр жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиб, парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар, қонунчиликдаги янгиликларни халқимизга ўз вақтида етказиб беришдек долзарб ва масъулиятли вазифани ўз зиммасига олди. Яъни, бир сўз билан айтганда, нашр дадил қадамлар билан ҳуқуқий рақобат майдонига кириб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан давлатимиз тараққиётининг бугунги босқичида адолат ва қонун устуворлигини амалда таъминлашда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш энг устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Яна бир муҳим масала, янги қабул қилинаётган қонун лойиҳалари, лойиҳа асносида муаммо ва ечимнинг, уларнинг таҳлилини журнал саҳифаларида акс этиши ҳамда ўз вақтида ўқувчиларга етиб бориши давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ҳужжатларига риоя этиш ҳолатларига қаратилган жамоатчилик назорати вазифасини ҳам ўтайди.

Журнал соҳалар бўйича давлат ва жамият, суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт ва тадбиркорлик, парламентаризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий сиёсат, халқаро ҳуқуқ ва қиёсий қонуншуносликка оид рунларда бугунги куннинг долзарб масалаларининг ёритиб борилишида пешқадам бўлади, деб, ишонч билдирамыз. Бу борада, таҳририят жамоасининг ана шундай улғу мақсадлар сари олға одимлаши учун, аввало уларга омад ва муваффақият тилаймиз ва биз доимо уларга камарбастамиз.

Бир сўз билан айтганда, “Қонунчилик муаммолари ахборотномаси” журнали халқимиз учун чин маънодаги ҳуқуқий минбар бўлиб қолишини ният қилиб қоламиз.

**Фозилжон ОТАХОНОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги  
Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари  
институтини директори, юридик фанлар доктори

## ҚОНУНЧИЛИК МУАММОЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТ ТАДҚИҚОТЛАРИ АМАЛИЁТИ: Қонунчилик муаммолари институти фаолиятига бир назар

*Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни муҳокама қилишда, қабул қилинган қонунлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда парламент аъзоларига ҳақиқий ёрдамчи бўлиши лозим.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Сўнги йилларда миллий парламентимиз фаолиятини такомиллаштириш, унинг профессионалигини таъминлаш, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш ва парламентнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, 2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида “Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти Олий Мажлисга келаётган турли таклифларни чуқур таҳлил қиладиган, таъбир жоиз бўлса, элакдан ўтказадиган илмий марказ бўлиши лозим”, дея таъкидлаган эди. Шу мақсадда, 2017 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қўшма қарори асосида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди.

### САМАРАЛИ ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Ўтган уч йиллик фаолияти давомида Институт томонидан 138 та қонун лойиҳаси юзасидан илмий асосланган хулоса ва таклифлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

**20 дан**

зиёд қарор лойиҳалари,

**370 дан**

зиёд ахборот-таҳлилий маълумотлар, шундан

**190 дан**


ортиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталари ва комиссиялари, депутатлар ва сенаторларнинг сўровларига кўра тайёрлаб, тақдим этилди.

Хусусан, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги, “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги, “Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида”ги, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги, “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ва бошқа қонун лойиҳаларига илмий хулосалар тайёрланди.



Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳисобдор бўлган давлат илмий-тадқиқот эксперт муассасаси ҳисобланади. Ўтган қисқа вақт мобайнида Институт янги таклифлар ва ташаббусларни илгари сурувчи, қонунчилик жараёнига замонавий инновацияларни жорий этувчи тузилма сифатида миллий парламентаризмнинг ақлий марказига айлана олди. Пировардида, Институт норма ижодкорлиги жараёнидаги муҳим тузилма ҳамда парламентнинг энг яқин кўмакчиси сифатида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Институт томонидан тайёрланган ахборот-таҳлилий материаллар ҳамда илмий асосланган таклифлар асосида кўплаб қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Масалан, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида”ги, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги, “Яйловлар тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги), “Хунармандчилик фаолияти тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари шулар жумласидандир.



Шунингдек, Далилларга асосланган тиббиётни ривожлантириш; Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари; Аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдамни кўрсатишни такомиллаштириш; Сув омборлари ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш; Халқ таъбатини ривожлантириш ва бошқа йўналишларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Институт томонидан “Ҳуқумат соати” институтини такомиллаштириш, “Электрон парламент” тизимини янада ривожлантириш, қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга мослигини ўрганиш амалиётини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сўровини юбориш тартибини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан фуқаро мурожаатларини кўриб чиқишда самарали воситаларни жорий этиш каби масалалар юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрланди.

Депутатлар ва сенаторлар фаолиятига услубий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида 4 та амалий қўлланма: “Парламент назорати схемаларда”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқий мақоми”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг ҳуқуқий мақоми”, “Сайловлар, сайловларни бошқариш ва сайлов кампаниясини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари савол-жавобларда” номли амалий қўлланмалар ишлаб чиқилди ва парламент аъзоларига тарқатилди.



Институт томонидан Давлат дастурининг 22 та бандида белгиланган вазифалар ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига қонун ва қарорлар лойиҳалари ҳамда зарур ахборот-таҳлилий маълумотлар тақдим этилди.

Бундан ташқари, Институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган 10 дан зиёд давлат дастурлари, режалар ва йўл хариталарида ҳам ижрочи этиб белгиланган.

## ИНСТИТУТ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ТИЗИМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони 33-банди ҳамда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг 12-бандида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг 2020 йил 25 сентябрдаги 480–IVКҚ-131–IV-сонли Қўшма қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

**Қўшма қарор билан Институтга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига ҳамоҳанг тарзда бешта устувор вазифа белгилаб берилди. Хусусан, Институт:**

*қонунчилик муаммоларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, қонун ижодкорлигининг илмий асосларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва қабул қилинган қонунларнинг амалдаги таъсирини ўрганиш;*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, депутатлар ва сенаторлар фаолиятини илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг профессионалик даражасини оширишга кўмаклашиш;*

*ҳуқуқ, сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқотлар ўтказиш, илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни ривожлантиришнинг илмий концепцияларини ишлаб чиқиш;*

*парламентаризм, халқаро парламентлараро ташкилотлар ва хорижий парламентлар иши тажрибасини ўрганиш натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;*

*миллий қонунчиликнинг халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлигини ўрганиш, уларни имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажарилишини ўрганиб бориш каби муҳим масалалар устувор вазифалар сифатида белгиланди.*

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан қуйидаги йўналишларда ишлар амалга оширилди:

**биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳалари юзасидан Институтнинг илмий хулосасини олиш амалиётини жорий этиш вазифаси назарда тутилди. Мазкур вазифа доирасида Институт Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиб чиқишда иштирок этиш, шунингдек 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар доирасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш орқали амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шу сабабли, қонун ижодкорлиги жараёнида кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш мақсадида Институт қошида Илмий-эксперт кенгаши ташкил этилди. Унинг таркибига етук олимлар, амалиётчилар, тадбиркорлик субъектларининг, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ва хорижий экспертлар жалб этилди;

**иккинчидан**, Институт муассислигида қонунчилик муаммолари ва норма ижодкорлиги соҳасида илмий-амалий тадқиқот материаллари, илмий мақолалар, миллий ва хорижий қонунчиликнинг қиёсий таҳлили мунтазам равишда эълон қилиб бориладиган “Қонунчилик муаммолари ахборотномаси” даврий нашри ташкил этилди;

**учинчидан**, Институт тузилмасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда Парламентаризмни ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўқув марказини ташкил этиш назарда тутилди. Марказнинг Институт тузилмасида ташкил этилиши унинг нуфузини янада ошириш баробарида, катта масъулият ва вазифалар юклайди. Бугунги кунда Марказни ташкил этиш билан боғлиқ амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ЖАМОАВИЙ МУРОЖААТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИ

Сўнги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида халқнинг қонунчиликка билдирган ташаббуслари парламент минбаридан янграмоқда. Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши лозим” деган тамойил асосида норма ижодкорлиги жараёнида фуқароларнинг таклиф ва ташаббусларини инobatга олиш энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Бугун одамлар ўзларини қийнаётган муаммолар ва долзарб деб ҳисоблаган масалалар бўйича қонунчиликка ўз таклиф ва ташаббусларини эркин билдиришмоқда. Қувонарлиси шундаки, улар томонидан билдирилган таклифлар қонунчиликда ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш мақсадида Интернет тармоғида махсус “майдон”лар яратиш бўйича билдирган ташаббуси асосида 2018 йил 20 апрелда “Mening fikrim” веб-портали ишга туширилди ва Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти унга модератор этиб белгиланди.



“Mening fikrim” веб-порталига  
ўтган давр давомида

**4 150 дан**

зиёд электрон жамоавий  
мурожаат келиб тушди.

Улардан савдо ва уй-жой хўжалиги, қонунчилик, ма-  
даният ва спорт, соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш,  
тадбиркорлик, туризм, экология каби соҳаларга оид

**400 дан**

зиёд жамоавий му-  
рожаат веб-порталга  
оммавий овоз йиғиш  
учун жойлаштирилди.

**20 та**

жамоавий мурожаат етарли овоз тўплади. Уларнинг

**8 таси**

бўйича Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг ва

**2 таси**

бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва Наманган  
шаҳар кенгашларининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, бугун халқимизнинг парла-  
ментга ишончи янада ортиб, депутат ва сенаторларга бўлган муносабати ўзгариб бормоқда, шу  
билан бирга, халқ вакилларининг ҳам одамлар дарди билан яшаш, фуқаролар билан тўғридан-тўғри  
ва очиқ мулоқот қилиш борасидаги фаолияти сезиларли даражада ошганлигининг гувоҳи бўлмоқда-  
миз. Айни пайтда мазкур ҳолат Институт ходимларининг ҳам чинакам ҳаётий мезонига айланмоқда.

## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР БЎЙИЧА ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Ўтган даврда Институт томонидан ҳам Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индексларда-  
ги ўрнини мустаҳкамлаш ва ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохот-  
лар шароитида салмоқли ишлар амалга оширилди, илмий-амалий тадқиқотлар ўтказилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекис-  
тон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тад-  
бирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сонли Фармонида мувофиқ Институт томонидан “Жаҳон  
мамлакатлари демократияси индекси”да Ўзбекистоннинг ўрнини ошириш бўйича белги-  
ланган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

*Economist Intelligence Unit ташкилотининг Демократия индекси методологияси ўрга-  
ниб чиқилди, унга асосланиб ўзини ўзи баҳолаш учун “Демократия индекси бўйича методо-  
логия” ишлаб чиқилди;*

*халқаро ташкилотлар, рейтинг агентликлари ва илмий муассасаларнинг экспертла-  
ри билан ҳамкорлик ўрнатилди ва конструктив мулоқот йўлга қўйилди;*

*Economist Intelligence Unit ташкилотининг “Жаҳон мамлакатлари демократияси ин-  
декси” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш мақсадида  
индекснинг бешта категорияси бўйича 26 банддан иборат чораларни амалга оширишни  
назарда тутувчи “Йўл харитаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди;*


*The Economist Intelligence Unit мадқиқот марказининг “Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси” бўйича намунавий йўриқномаси ишлаб чиқилди;*

*устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия йиғилишида Демократия индекси бўйича амалга оширилган ишлар, индекс методологиясининг таҳлили ва бу борада ишлаб чиқилган таклифлар тўғрисида маълумотлар берилди;*

*Ўзбекистон Республикасининг мазкур рейтингдаги ривожланиш жараёни тўғрисидаги ахборотларни, шунингдек баҳоланаётган йўналиш бўйича тавсиялар ва хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини ўз ичига олган ахборот маълумот базаси яратилмоқда.*


## НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5505-сон Фармони лойиҳасини тайёрлашда ҳам фаол иштирок этганлигини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда Институт “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси” доирасида тайёрланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда масъул органлар ва ташкилотларга илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан кўмаклашиб келмоқда.



Концепция ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 26 мартдаги № 2419-III/КҚ-523-III-сонли Қўшма қарори билан 2 та муҳим ҳужжат қабул қилинди.

Хусусан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари, шунингдек, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услуби тасдиқланди. Айти пайтда, мазкур услуб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нафақат техник жиҳатларини, балки уларда акс этиши зарур бўлган таркибий қисмларни, шунингдек ҳужжатга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материаллар мазмунига кўйилган талабларни ҳам аниқ белгилаб берди.



Қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжатлардан бири – бу тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича “Йўл харитаси” дир. Унда аксарият қонуности ҳужжатларини яхлит қонун шаклига келтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Маълумки, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш – фаолият самарадорлигининг кафолати ҳисобланади. Бугунги кунда халқаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтириб бориш ҳар бир ташкилот ва муас-саса фаолиятининг муҳим жиҳатларидан биридир.



Халқаро ҳамкорлик доирасида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Тадқиқот хизмати, Туркия Буюк миллат мажлиси Тадқиқотлар бошқармаси, Шимолий Ирландия Ассамблеяси тадқиқот ва ахборот хизмати, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти-нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Қирғизистон Жогор-ку Кенеши Девонининг Илмий-тадқиқот маркази, Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Фридрих Эберт номидаги фонднинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Вестминстер Демократия Фонди ва Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихона-си, Россия Федерацияси федерал Мажлиси Федерация кенгашининг девони, Тулейн университетининг Оммавий ҳуқуқ маркази билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган ижтимоий-иқтисодий инқироз сабабли 2020 йил инсоният тарихида энг оғир ва мураккаб давр-лардан бири сифатида муҳрланди. Пандемия шароитидан келиб чиқиб ҳолда Институт жамоаси халқаро ҳамкорлик жараёнида замонавий тех-нологияларнинг имкониятларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Хусусан, 2020 йил давомида Институт томонидан 10 дан зиёд халқаро конференциялар, илмий-амалий семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Хусусан, “Парламент назорати: Ўзбекистон ва Германия тажриба-си”, “Парламент сўрови ва эшитувини амалга оширишнинг муҳим жиҳат-лари: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси”, “Ўзбекистон Респуб-ликасида давлат ва жамият қурилишининг янги босқичи, мамлакатни демократик модернизациялашда парламент ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари ролини ошириш” кабилар шулар жумласидандир.



Институт томонидан амалий аҳамияти юқори бўлган ўзаро манфаатли учрашувлар, хусусан, Конрад Аденауэр жамғарма-сининг Марказий Осиё бўйича минтақавий раҳбари Р.Хайне, Вестминстер демократия жамғармасининг Европа ва Марка-зий Осиё бўйича минтақавий директори К.Левик, Вестминстер демократия жамғамасининг Евроосиё дастури катта менедже-ри М.Рэндалл-шаб, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавку-лодда ва Мухтор элчиси Т.Торлоу, Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармасининг Германиядаги ваколатхонаси раҳбари А.Шмайнк, Германия Халқаро Ҳамкорлик Жамияти-нинг “Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликка кўмаклашиш” минтақавий дастури раҳбари П.Иорг, Туркия Ҳамкорлик ва Мувофиқлаштириш Агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхо-наси раҳбари Ж.Туней билан видеоконференцалоқа режимида учрашувлар ташкил этилди.

Институт халқаро ҳамкорлар билан биргаликда мамлакатимиз миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда долзарб ва юксак аҳамиятга молик бўлган масалалар юзасидан 2021 йилга мўлжалланган истиқболли режалар (“йўл харита”) ишлаб чиқмоқда.



## КЕНГ МИҚЁСДА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ВА ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ



Ўтган даврда марказий босма нашрларда 300 дан ортиқ мақола, марказий телевидение дастурларида 300 га яқин лавҳа ва махсус дастурлар тайёрланди. “Ўзбекистон 24” телеканалининг “Парламент вақти”, “Юзма-юз”, “24-студия”, “Ўзбекистон 24” радиоканалининг “Сўз сизга” кўрсатув ва эшиттиришлари орқали аҳолига долзарб мавзуларда мунтазам равишда ахборотлар бериб борилмоқда.

Ҳозирда институтда қонунчилик муаммолари, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича фуқаролардан таклифлар олиш мақсадида сиёсий партиялар, кенг жамоатчилик билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон либерал демократик партияси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бош прокуратура Академияси ва Ички ишлар вазирлиги Академияси билан ўзаро Ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.



Институт томонидан Олий Мажлис палаталарининг фракциялари ва кўмиталари билан биргаликда 150 га яқин давра суҳбати ташкил этилди. Институт вакиллари қонунчиликдаги долзарб масалаларга бағишлаб ўтказилган 70 дан зиёд илмий семинар ва конференцияларда ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Бугунги кунда Институтнинг ижтимоий тармоқлар (Facebook ва Telegram) даги саҳифалари орқали аҳолининг кенг қатлами (7 мингдан ортиқ обуначи)га қонунчиликдаги янгиликлар, ҳуқуқий-ижтимоий масалалар бўйича зарур ахборотлар бериб борилмоқда.



***Хулоса қилиб айтганда, Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, депутатлар ва сенаторлар фаолиятини илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш, профессионалик даражасини оширишга кўмаклашиш орқали уларнинг энг яқин кўмакчиси мақомини янада мустаҳкамлаш ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқишни устувор вазибалар сифатида белгилаб олган.***

**Бахтиёр ИСАКОВ,***Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари, Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси*

## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аҳоли турмуш даражасини ошириш, давлат органларининг халқ манфаатлари учун хизмат қилишида давлат сиёсатидаги устуворлигини таъминлаш ҳамда мамлакатга кириб келаётган инвестициялар оқимини жадаллаштириш ва инвестор мулкни давлат томонидан ҳимоя қилиш каби мамлакатда турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларни дунё ҳамжамиятига намён этиш мақсадида турли соҳалар бўйича халқаро ташкилотлар томонидан тузиладиган халқаро рейтинг ва индекслар муҳим аҳамият касб этади.**



Бу кўрсаткичлар бўйича юқори баҳоланган ҳар қандай халқаро рейтинглар самараси сифатида ишбилармонлардан тортиб дунё аҳолиси барча қатламнинг эътибори шу мамлакатга қаратилади: инвестицион муҳит, туризм, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади, бунинг натижасида аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги яхшиланади.

Халқаро рейтинг ва индекслар ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ўзида намён этиб, давлат бошқаруви сифати, аҳолининг турмуш даражаси, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит, барқарор иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик каби муҳим жиҳатларнинг кўзгусидир. Бу жиҳатлар мамлакатимиздаги ислохотлар моҳиятида ҳам мужассам. Буларнинг барчаси инсон қадрини улуглашга, одамларнинг ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб яшашини таъминлашга хизмат қилиши билан янада теран мазмун касб этади.

Сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз Мерос жамғармасининг “Иқтисодий эркинлик” индексида 52-поғонага, “Бизнес юритиш” индексида эса 18-поғонага кўтарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотла-

рида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги Фармони юртимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлди. Жумладан, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди ва Кенгашнинг асосий вазибалари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тасдиқланди.

Дунёнинг тараққий этган давлатларининг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш, ислохотлар жараёнида тўпланган бой тажрибамиз асосида ишлаб чиқилган норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар ҳеч шубҳасиз, одил судлов самарадорлигини янада ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини янги, замонавий механизмлар орқали қафолатли ҳимоя қилиш, судлар фаолияти шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашда ўта муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги фармонида асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш устувор мақсадлардан бири этиб белгиланиб, бунинг учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати тасдиқланган.

Хусусан, одил судлов соҳасига оид халқаро рейтинг ва индекслар, жумладан Иқтисодий эркинлик индексининг Суд фаолияти самарадорлиги, “Doing business” индексининг Контрактлар ижросини таъминлаш, Ҳуқуқ устуворлиги индексининг Фуқаролик одил судлови ва Жиноий одил судлов таркибий индикаторлари, “Глобал рақобатбардошлик индекси”даги Судлар мустақиллиги индикатори, Жаҳон мамлакатлари демократияси индексидаги Фуқаролар эркинлиги индикаторининг “Суд ҳоқимиятининг Ҳукумат таъсиридан мустақиллиги даражаси” кўрсаткичи, Бошқарув сифати индикаторларидаги Ҳуқуқ устуворлиги индикаторининг “Суд мустақиллиги” ва “Суднинг Ҳукуматдан мустақиллиги даражаси” кўрсаткичларида Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашга алоҳида аҳамият берилган.

Контрактлар ижросини таъминлаш соҳасида биринчидан, иқтисодий судда низоларни ҳал этиш усули сифатида судгача мажлис ўтказиш тартиби жорий этилди; иккинчидан, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларда, маъмурий ва иқтисодий судларда фуқаролар томонидан амалга ошириладиган барча тўловларни, шу жумладан давлат божини ҳисобга олиш ва тўлашнинг ягона электрон тизими жорий этилди.

Бугунги кунда халқаро рейтингларда мамлакатимиз нуфузини янада ошириш ва одил судлов самарадорлигини кучайтириш мақсадида судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд иш юритуви самарадорлигини ошириш, низоларни ўз вақтида ва сифатли ҳал қилиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу мақсадларга қаратилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда, тизимли ташкилий чоралар кўрилиб келинапти.

Мазкур йўналишларда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кўрсатилган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз ўрни тобора мустақамланиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиботлар танқидий қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган бюрократик тўсиқ ва ғовлар бекор қилинди. Кўрилган чоралар натижасида республикада ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Биргина бизнес юритиш соҳасида Президентимизнинг “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини янада

яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 13 июл ҳамда 2019 йил 5 февралдаги, шунингдек “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 ноябрдаги қарорлари қабул қилинди.

Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон иқтисодий форуми, Халқаро бюджет ҳамкорлиги, INSEAD халқаро бизнес мактаби Economist Intelligence Unit каби халқаро рейтинг агентликлари ва ташкилотлари билан расмий алоқалар йўлга қўйилди.

Ислохотларнинг мантикий давоми сифатида 2019 йил 20 мартда “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 23 майдаги қонунлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди.

Ушбу ислохотларнинг самараси натижасида “Бизнес юритиш 2020” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон 7 поғона юқорига, яъни 190 мамлакат орасида ўтган йилги 76-ўриндан 69-ўринга кўтарилди, Ўзбекистон шартномалар ижросини таъминлаш индикатори бўйича ўтган йилги 41-ўриндан 22-ўринга кўтарилиб, ишбилармонлик муҳитини яхшилашда энг юқори кўрсаткичга эришган 20 та давлат қаторига кирди.

Ўзбекистон низоларни суд томонидан тезкор ҳал этишнинг вақт кўрсаткичи бўйича 190 та давлат орасида 225 кунлик натижа билан 3-ўринни эгаллади. Низоларни суд йўли билан ҳал этишда кетадиган харажат кўрсаткичи бўйича эса МДҲ мамлакатлари орасида 4-ўринни эгаллади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 июлдаги Фармони одил судлов соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Хусусан, унга кўра:

**биринчидан**, вилоят даражасидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлари бирлаштирилиб, уларнинг негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда ягона умумюрисдикция судлари ташкил этилмоқда;

**иккинчидан**, илғор хорижий тажриба ва

халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда республикада самарали маъмурий одил судлов тизими яратилмоқда;

**учинчидан**, судда ишларни кўришда инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг тортишувчанлик тамойилни амалда рўёбга чиқариш мақсадида жиноят ишлари бўйича судларда дастлабки эшитув институти жорий этилмоқда;

**тўртинчидан**, прокурорнинг судда иш кўрилиши жараёнида иштирок этиш тартиби илғор халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Прокурорнинг фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида ўз ташаббуси билан иштирок этишини чегаралаш назарда тутилмоқда;

**бешинчидан**, ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали суд тизимига **“бир суд – бир инстанция”** тамойили жорий этилмоқда. Хусусан, суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилади;

**Олтинчидан**, Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби фаолият юритади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги бу каби ислохотлар, энг аввало олий қадрият сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш, уларга қатъий риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади. Соҳадаги ўзгаришлар, хусусан, суд муҳокамаси иштирокчиларига, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш, уларнинг сарф-харажати ва вақтини тежаш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, судда иш юритишни соддалаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш, судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадларига йўналтирилгани билан ажралиб туради.

Бугунги кунда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришиш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари

фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 сентябрдаги Қарори қабул қилинди. Унга кўра Олий суд ахборот тизимини 28 та давлат органлари ахборот тизимларига интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашинувини юз фоиз рақамли шаклга ўтказишни назарда тутувчи “йўл харитаси”, 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури тасдиқланди.

Унга кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, 2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш, 2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш, 2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш, судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш каби устувор вазифалар белгиланди.

Шу билан бирга, халқаро рейтинг ва индекслар ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ўзида намоён этиб, давлат бошқаруви сифати, аҳолининг турмуш даражаси, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит, барқарор иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик каби муҳим жиҳатларнинг кўзгусидир. Бу жиҳатлар мамлакатимиздаги ислохотлар моҳиятида ҳам мужассам. Буларнинг барчаси инсон қадрини улуғлашга, одамларнинг ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб яшашини таъминлашга хизмат қилиши билан янада теран мазмун касб этади.

**Дониёр ТЎРАЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги  
Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари  
институтининг директорининг ўринбосари

## ПАРЛАМЕНТ ЎРНИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЭГАЛЛАШИ МУМКИНМИ?

**АННОТАЦИЯ:** COVID-19 пандемияси даврида, парламентнинг ўрнига қонунларни рақамли технологиялар ёрдамида тўғридан-тўғри қабул қилиш амалиётини жорий этиш тарафдорлари кўпайиши табиий ҳолдир. Ушбу мақолада парламент ва депутатларнинг асосий вазибалари очиб берилган, делибератив демократия вояси, рақамли технологиялар орқали қонунларни қабул қилиш тажрибаси ва бу борада парламентнинг ўрни таҳлил қилинган. Ўзбекистонда парламентаризмни ва “делибератив демократия”нинг элементларини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар кўриб чиқилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** парламент, депутат, рақамли технологиялар, делибератив демократия.

**АННОТАЦИЯ:** В период борьбы с пандемией COVID-19 очевидно, что количество сторонников установления прямого принятия законов без участия парламента с помощью цифровых технологий растет. В данной статье описываются основные задачи парламента и депутатов, анализируется идея делиберативной демократии, опыт принятия законов с помощью цифровых технологий и роль парламента в этом процессе. Рассматривается проделанная в Узбекистане работа по развитию парламентаризма и элементов «делиберативной демократии».

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** парламент, депутат, цифровые технологии, делиберативная демократия.

**ANNOTATION:** During the period of combatting the COVID-19 pandemic, it is obvious that the numbers of supporters of establishing direct adoption of laws without parliament by means of digital technologies has been rising. This article describes the main tasks of parliament and MPs, analyzes the idea of deliberative democracy, the experience of adopting laws using digital technologies, and the role of parliament in this process. The article considers the work done in Uzbekistan on the development of parliamentarism and elements of «deliberative democracy».

**KEYWORDS:** parliament, deputy, digital technologies, deliberative democracy.

COVID-19 пандемиясига қарши курашиш даврида аксарият парламентлар ўз фаолиятини тўхтатмасдан, айрим чекловлар билан ярим-виртуал тарзда мажлислар ўтказиши медиа ва академик доираларда кўп муҳокамаларга сабаб бўлганини, парламентнинг ўрнини босувчи вакилликнинг муқобил шакллари тўғрисидаги эски назариялар қайтадан янги мавзуга айланаётганлигини кузатиш мумкин.

Бунда парламентнинг ўрнига қонунларни рақамли технологиялар ёрдамида халқ томонидан тўғридан-тўғри қабул қилиш амалиётини жорий этиш тарафдорлари ҳам кўпайиши табиий ҳол. Шу ўринда, рақамли технологиялар бугунги даврда ёки яқин келажакда парламентнинг ўрнини босиши мумкинми, деган ўринли савол туғилади. Бу борада тўғри ҳулоса чиқариш учун парламент институтининг билан боғлиқ учта муҳим масалага жиддий эътибор қаратишимиз лозим.

**Биринчидан,** парламент институтининг вазибалари нималардан иборат эканлигини тўғри англаб олишимиз керак. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, қадимги даврдан бошлаб деярли барча мамлакатларда турли шакл ва номларда давлатнинг олий маслаҳат ва вакиллик институтлари мавжуд бўлган. Улар давлат учун муҳим ва долзарб бўлган масала-

ларни ҳал этган. Бундай институтларнинг энг демократик элементлари босқичма-босқич парламент институтида мужассам бўлган.

Олимларнинг фикрича, “парламент” сўзи французча – “parler”, лотинча – “parliamentum” сўзларидан олинган бўлиб, ўрта асрларда “музокара”, “келишиш”, “кенгаш”, “мажлис” каби маъноларда асосан Франция, Британия ва Италия давлатларида ишлатилган. Парламент институтининг асосий элементлари Британияда XIII ва XIV асрларда шакллانган. Масалан, Британия Умум палатасига вакилларни сайлаш тизими ўрта асрларда мавжуд бўлган бошқа сайлов ва вакиллик институтларидан жиддий фарқ қилган. Шунинг учун Британия парламенти – “парламентларнинг онаси” деб эътироф этилади ва бошқа парламентлар ундан андоза олади.<sup>1</sup>

Кейинчалик парламент ва вакиллик институтининг халқпарвар бўлишига Европа Уйғониш даври мутафаккирларининг илмий қарашлари, шунингдек XVIII асрнинг охирларида Франция ва Америкада рўй берган жиддий сиёсий ўзгаришлар катта ҳисса қўшган. Бунда парламент институтининг ривожланишига ҳокимиятлар бўлиниши, демократия ва инсон ҳуқуқлари<sup>2</sup> фоялари асосий туртки бўлган десак, янгиликларимиз. Ҳозирги замонга келиб, парламент –

давлат олий вакиллик органи бўлиб, у қуйидаги ўзига хос вазифаларни амалга оширади:

*қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади (бунда парламент қонун лойиҳаларини ишлаб чиқади, парламентга киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқади, уларни муҳокама қилади ва қабул қилади);*

*ижроия ҳокимияти фаолиятини назорат қилади, халқ номидан ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботини эшитади (мазкур фаолиятни амалга ошириш учун “парламент назорати” институтидан фойдаланади);*

*ягона ва муҳим вакиллик институти сифатида қарорлар қабул қилади (бунда турли фикрларни инобатга олиб, улар асосида халқ манфаати учун энг мақбул қарорларни қабул қилади). Шундан келиб чиқиб, “парламентаризм” деганда парламент ва ижроия ҳокимиятнинг функциялари бир-биридан аниқ ажратилган давлат ҳокимияти тизими тушунилади ва ижроия ҳокимияти парламент олдида ҳисобдор саналади.*

**Иккинчидан,** депутатларнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини яхши билишимиз керак. “Депутат” сўзи (лотинча “deputare”, “deputatus” – вакил, масъул, сайланган) давлат вакиллик органига сайланган лавозимни билдириб, асосан “парламент аъзоси” маъносини англатади. Депутат сайловчилар томонидан берилган ишонч, мандат асосида – парламент аъзоси сифатида қуйидаги ўзига хос вазифаларни амалга оширади:

*қонун ижодкорлиги соҳасида: қонун лойиҳаларини ишлаб чиқади, парламентга киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқади, уларни муҳокама қилади ва қабул қилиш ёки рад этиш бўйича овоз беради;*

*ижроия ҳокимияти фаолиятини назорат қилиш соҳасида давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига сайловчилар, халқнинг манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан депутат сўровлари юборади ва парламент назоратини амалга оширишда иштирок этади;*

*ягона, муҳим вакиллик институтининг аъзоси сифатида халқ манфаати учун энг мақбул қарорларни қабул қилишда иштирок этади.*

Депутатнинг вакиллиги тўғрисида кўплаб мутафаккир олимлар ўз фикрларини билдиришган. Жумладан, Ш.Монтескье ва Ж.Руссонинг депутатнинг вазифалари ва мандатлари тўғрисидаги фикрлари фундаментал аҳамиятга эгадир. Монтескье эркин мамлакатларда эркин халқ ўзини ўзи бошқариши лозим ва қонунчилик ҳокимиятига ҳам эга бўлиши кераклигини, аммо катта мамлакатларда бунинг иложи йўқлиги, кичкиналарида эса – кўплаб ноқу-

лайликларга сабаб бўлиши мумкинлиги учун “халқ ўзи қила олмайдиган нарсаларни ўз вакиллари орқали бажариши керак”<sup>3</sup>лиги ҳақида фикр билдирган. Шунингдек, Руссо ҳам ўз қарашларида “суверен ҳокимият ва кучли ҳукумат” (l'autorité souveraine et le gouvernement arbitraire) ўртасида “ўрта куч” (un pouvoir moyen), (яъни “вакиллар” борлиги) тўғрисида айтиб ўтган<sup>4</sup> ва қонун чиқарувчи ҳокимият “фақат вакиллик (députation) ёрдамида амалга оширилиши мумкинлиги”<sup>5</sup>ни таъкидлаган.

Шу ўринда, буюк мутафаккир Абу Наср Форобийнинг қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи касб эгаларининг фазилатлари тўғрисидаги фикрларини айтиб ўтиш ўринлидир. Айнан депутатлар тўғрисида айтилмаган бўлсада, мамлакатда қонун ижодкорлиги ва муҳим қарорлар қабул қилишга масъул шахслар – чуқур назарий билим ва юксак амалий тажрибага эга бўлишлари ҳамда умумхалқ манфаатида иш юритиши лозимлиги тўғрисидаги фикрлар бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган<sup>6</sup>. Тарихда шаклланган вакилликнинг объекти бўйича иккита муқобил ёндашув мавжуд. Биринчисига кўра, депутат ўз сайловчиларининг манфаатини ифода этади. Иккинчисида эса халқ иродаси “бўлинмас яхлитлик” ҳисобланиб, депутат бутун халқ манфаатини кўзлаб иш кўради. Бу ёндашувлар депутат мандатини императив ва эркин (умумий) мандатларга ажратишда ёрдам беради.

Императив мандатда депутат ўз электорати (ёки партияси) номидан иш кўради, унинг олдида ҳисобдор саналади ва улар томонидан чақириб олиниши мумкин бўлади. Эркин мандат эса, аксинча, депутатга умумий ваколат – халқ манфаатида иш кўришга ва парламентда мустақил равишда ўзининг виждонига кўра фаолият олиб боришга имкон беради. Эркин мандат депутатга, аввало, мустақилликни, бир шахс, гуруҳ ёки давлат идорасига тобе бўлмасдан парламентда сиёсий қарор қабул қилишни таъминлайди.

Бугунги кунга келиб, кўпгина ривожланган демократик давлатларнинг конституцияларида ва қонунларида депутат эркин мандатга эга бўлиши, халқ манфаатида иш кўриши белгиланган (масалан, Франция, Германия, Бельгия конституциялари)<sup>7</sup>. Бундан ташқари, депутатларга мандати давомида ижроия ҳокимият, ҳарбий лавозимларни эгаллашга ва манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи бошқа ҳаракатларга йўл қўйилмайди ва уларнинг мустақиллигини таъминлаш учун қатор кафолатлар берилади. Шундай қилиб, халқ вакиллари – депутатлар парламент аъзоси сифатида ўзига хос муҳим вазифаларни амалга оширади ва фуқароларнинг фикрларини инобатга олиб, улар асосида халқ манфаати учун мақбул қарорларни қабул қилишда иштирок этади.

**Учинчидан,** парламентни четлаб, тўғридан-тўғри

қонунларни қабул қилиш, халқ манфаатларига қанчалик хизмат қилиши мумкин? Юқорида айтиб ўтганимиздек, парламентнинг ўрнини вакилликнинг муқобил шакллари, яъни “тўғридан-тўғри демократия” институтлари босиши мумкин, деган ғоялар кўп муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

“Тўғридан-тўғри демократия” ёки “делибератив демократия”, қонун ижодкорлиги жараёнида барча фуқароларга ўз фикрларини ифода этиш ва муҳокама қилиш имкониятини яратиш орқали қонунларни қабул қилиш тушунилади. “Делибератив демократия”да қонунлар, муҳим қарорлар қабул қилишда халқ томонидан уларнинг муҳокама қилиниши марказий ўрин тутади<sup>8</sup>.

Мазкур мавзуда олиб борилган илмий-амалий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўплаб демократик ривожланган мамлакатларда “тўғридан-тўғри демократия” ва “делибератив демократия” элементларини айрим соҳаларда парламентнинг ўрнига қонун ва муҳим қарорлар қабул қилишда ишлатилганда кутилган натижа бермаган. Яъни, барча аҳоли қатламларининг манфаатлари инобатга олинмасдан, кам сонли манфаатдорларнинг фойдасига қарорлар қабул қилиш, энг фаол ва яхши молиялаштирилган гуруҳларнинг лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам бериш, ҳокимиятга эга бўлган шахсларга қўшимча имкониятлар яратиш каби салбий ҳолатларга олиб келган.<sup>9</sup>

Шу сабабли, мазкур институтлар парламент ўрнини боса олмаслиги ва парламентни четлаб қарор қабул қилишлар халқ манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қилинган. Ушбу институтлардан парламентнинг ўрнини босувчи вакилликнинг муқобил шакллари сифатида эмас, балки парламент тизимини тўлдириб ва бойитиб турувчи, қонунларни муҳокама қилишнинг муқобил усуллари сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида айтилганидек, мазкур мавзу мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган қонун ижодкорлиги ва парламент ваколатларини кучайтиришга қаратилган ислохотларга баҳо бериш учун ҳам яхши имконият яратди. Шу ўринда, Ўзбекистонда парламентаризмни ва “делибератив демократия” элементларини ривожлантириш, депутат фаолиятининг кафолатларини таъминлаш соҳасида қилинган ишларга қисқача тўхталиб ўтсак. Масалан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан қуйидагилар амалга оширилди.

**Биринчидан**, давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини янада ошириш мақсадида Конституцияга, “Парламент назорати тўғрисида”ги

Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш амалиёти жорий этилди. Парламент назоратининг шакллари кўпайди ва парламент текшируви институти такомиллаштирилди. Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш – “Ҳукумат соати” институти жорий этилди. Парламент аъзолари ҳуқуқларининг кафолатлари кучайтирилди.

**Иккинчидан**, Олий Мажлис палаталари қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифати, очиқлиги ошди, тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни қабул қилиш амалиёти, ахборот-таҳлилий фаолияти кучайтирилди. Олий Мажлис ҳузурида илмий тадқиқот институти – Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди ва бунинг натижасида қонун ижодкорлиги фаолиятида илмий-амалий ёндашувнинг аҳамияти ошди. Бундан ташқари, олимлар, фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида қонун лойиҳалари бўйича жонли муҳокамани ўтказиш, қабул қилинган қонунларнинг амалиётдаги таъсирчанлигини ўрганиб бориш ва баҳолаш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

**Учинчидан**, қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш мақсадида интернет тармоғида махсус “майдон” – “Менинг фикрим” веб-портали ташкил этилди. Мавжуд Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси муҳокамаси портали (regulation.gov.uz) дан фарқли равишда, “Менинг фикрим” веб-портали мамлакатимизда фуқароларнинг фикри асосида қонун ва қарорлар қабул қилишда янги механизм сифатида хизмат қилмоқда. Веб-порталга ўтган давр ичида 4 мингга яқин электрон жамоавий мурожаат келиб тушди, уларнинг 400 дан зиёди оммавий овоз йиғиш учун жойлаштирилди, шулардан 4 фоиз жамоавий мурожаат етарли овоз тўплади ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Албатта, мазкур янги институтнинг турли сабабларга боғлиқ бўлган ўзига яраша камчиликлари ҳам мавжуд. Бугунги кунда веб-портални янада такомиллаштириш ва оммалаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда ва мамлакатимизда демократик институтларнинг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2020 йил 20 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишида “Менинг фикрим” веб-портали ишини янада такомиллаштириш лозимлигига алоҳида урғу бериб, жамият ҳаёти учун долзарб муаммолар кўтариладиган масалалар бўйича кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилишнинг муқобил усуллари амалиётга киритиш

муҳимлигини таъкидлаган.

Тўртинчидан, парламент фаолияти самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, қонун ижодкорлиги фаолиятини рақамлаштириш, халқ билан мулоқотни янада жонлантириш мақсадида “Электрон парламент” тизими жорий этилмоқда. Мазкур тизим парламент ва депутат сўровларини интернет тармоғи, хусусан, парламент веб-сайти, махсус портал ва мобил илова орқали шакллантириш ва сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, COVID-19 пандемиясига қарши курашиш даврида Ўзбекистон парламенти кўплаб хорижий парламентлар сингари тўлиқ фаолият кўрсатиши учун барча зарур чораларни кўрди<sup>10</sup>. Олий Мажлис палаталари мажлисларини айрим чекловлар билан парламент аъзоларининг иштирокида ўтказишни давом эттирмоқда, шунингдек мажлисларни “Электрон парламент” тизими ёрдамида видеоконференцалоқа режимида ўтказиш бўйича вақтинчалик регламент қабул қилинди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб Ўзбекистонда парламент тизимининг янги босқичи бошланиб, давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг роли ошмоқда, фуқаролар ташаббусларини муҳокама қилишнинг янги институтлари парламент тизимини тўлдириб туришга хизмат қилмоқда.

Албатта, парламентаризмни ривожлантиришда ўз ечимини кутаётган муҳим масалалар ҳам мавжуд. Масалан, депутатнинг мандати ва фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари, фуқароларнинг ташаббусларини билдириш ва муҳокама қилишнинг янги институтлари аниқ тартибга солиниши соҳасидаги масалаларни айтиб ўтиш

мумкин. Мазкур масалалар бугун шиддат билан олиб борилаётган демократик ислохотлар доирасида босқичма-босқич ўз илмий асосланган ечимини топади ва халқ манфаатига хизмат қилади, деб умид қиламиз. Бунда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг илмий тадқиқот натижалари муҳим роль ўйнайди. Шундай қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

**биринчидан**, демократик давлатда парламент давлат олий вакиллик органи бўлиб, у ўзига хос бўлган вазифаларни, яъни қонунчилик, вакиллик ва назорат функцияларини амалга оширади, парламентни четлаб ўтиш орқали унинг ваколатларини (жумладан, рақамли технологиялар ёрдамида) бажариш эса демократия принципларига ва инсон ҳуқуқларига путур етказиш ва халқ манфаатларига зиён келтиришни англатади;

**иккинчидан**, халқ вакиллари – депутатлар парламент аъзоси сифатида ўзига хос вазифаларни амалга оширади ва турли фикрларни инобатга олиб, улар асосида халқ манфаати учун энг мақбул қарорларни қабул қилишда иштирок этади. Депутатлар парламент институтининг “устуни” ҳисобланади, десак, адашмаган бўламиз. Депутатсиз парламент, парламентсиз демократик бошқарув ва парламентаризм ҳам бўлмайди;

**учинчидан**, “делибератив демократия” институтларидан парламентнинг ўрнини босувчи вакилликнинг муқобил шакллари сифатида эмас, балки парламент тизимини тўлдириб ва бойитиб турувчи, қонунларни ва муҳим қарорларни муҳокама қилишнинг муқобил усуллари сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Қаранг F.Thompson, A Short History of Parliament: 1295-1642, University of Minnesota Press, 1953; H.G.Richardson, G.O.Sayles, The English Parliament in the Middle Ages, The Hambledon Press, 1981.

2. Инсон ҳуқуқлари: парламент аъзолари учун қўлланма. /Ўзбекча нашр масъул муҳаррири профессор А.Х.Саидов. – Тошкент. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2007. 1 бет.

3. Қаранг француз тилида Montesquieu (1748), “De L’esprit Des Lois”, Deuxième Partie, (Livres IX à XIII); рус тилида Ш.Л.Монтескье. “О духе законов”, Книга одиннадцатая, Глава VI.

4. Charles Boyer, Rousseau, penseur de (la crise de) la représentation politique /Cahiers philosophiques 2009/3 (N° 119), pages 97 à 107. [https://www.cairn.info/revue-cahiers-philosophiques1-2009-3-page-97.htm#].

5. Jean-Jacques Rousseau (1771-72), Considérations sur le gouvernement de Pologne [http://www.espace-rousseau.ch/f/textes/considerations\_pologne.pdf].

6. Қаранг: Фозил одамлар шаҳри. Абу Наср Форобий /Таржимонлар Абдусодиқ Ирисов, Маҳкам Маҳмудов, Урфон Отажон. Масъул муҳаррирлар М.Хайруллаев, М.Жакбаров. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. 242-243-б. А.Саидов., Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Т.: Адолат, 1998.; Мамадалиев Ш.О., Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. 42-б.

7. Қаранг: ‘The Parliamentary Mandate: A Global Comparative Study’, Marc Van der Hulst, IPU, Geneva 2000. [http://archive.ipu.org/PDF/publications/mandate\_e.pdf].

8. Қаранг: Akilah N. Folami, Using the press clause to amplify civic discourse beyond mere opinion sharing // Temple Law Review /VOL. 85 NO. 2 WINTER 2013. [https://web.archive.org/web/20141023131721/http://sites.temple.edu/lawreview/files/2013/03/Folami\_85-Temp.-L.-Rev.-269.pdf].

9. Қаранг: Global parliamentary report. The changing nature of parliamentary representation, UNDP and IPU, 2012. [http://archive.ipu.org/pdf/publications/gpr2012-full-e.pdf].

10. Қаранг: Д.Тўраев, “Парламентлар пандемия пайтида қандай ишляпти?”, 2020 йил 9 апрель [http://parliament.gov.uz/uz/events/other/30667/].

**Маликахон КАЛАНДАРОВА,**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши  
хузуридаги Судьялар олий мактаби Иқтисодий  
ҳуқуқ кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди

## ДАВЛАТ ХАРИДИДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат буюртмаларини тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажаради. Конституциянинг 7-моддасига мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Демак, давлат харидлари соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва уни такомиллаштириш конституциявий тамойилларни амалда рўёбга чиқарилишига хизмат қилади.**

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада давлат харидларига блокчейн тизимини жорий этиш имкониятлари таҳлил этилган. Ушбу технологиядан давлат харидларида фойдаланилиши бу соҳада коррупциянинг олдини олиш, давлат харидлари иштирокчиларининг тенглик принципини амалда намён этишига хизмат қилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** давлат харидлари, рақамли иқтисодий технологиялар, блокчейн, давлат буюртмачилари.

**АННОТАЦИЯ:** Автор статьи рассматривает возможность применения технологии блокчейн при проведении государственных закупок. Использование этой технологии сократит временные затраты на обработку документации, снизит степень коррупции в процессе государственных закупок через создание репутационных списков, доступных всем участникам этого процесса.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** государственные закупки, технологии цифровой экономики, блокчейн, государственные заказчики.

**ANNOTATION:** The author of the article consider the possibility of using blockchain in public procurement. The use of this technology will reduce the time spent on the processing of documentation, reduce the degree of corruption in the process of public procurement, by creating reputational lists available to all participants in this process.

**KEYWORDS:** Public procurement, digital economy technologies, blockchain, public customers.

Иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда, электрон ҳужжат айланиши тизимлари, электрон тўловлар жорий этилмоқда ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Давлат харидлари соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар соғлом рақобат муҳитини янада ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари учун давлат харидларига тенг эркинлик яратиш, давлат секторини оптимал муддатларда товарлар (ишлар, хизматлар) билан самарали ва оқилона таъминлашга, қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш жараёнини

рағбатлантириб, халқаро рейтингларда Ўзбекистон кўрсаткичини яхшилашга замин яратмоқда.

Ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатадиган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда, бу эса “Блокчейн” технологиялари нафақат иқтисодиётнинг кўплаб секторларига, балки давлат бошқаруви тизими ва бошқа жамоатчилик муносабатларига жорий этилишига кенг йўл очмоқда. Давлат сектори ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш, устувор мақсадларга эришиш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар страте-

гиясини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Қарорининг 3-бандига кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб “блокчейн” технологияларини амалга ошириш назарда тутилган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони<sup>2</sup> мувофиқ, давлат буюртмачилари давлат харидларини танлов ва тендер савдолари орқали фақат замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда амалга ошириши керак.

Жаҳон амалиёти тажрибасига қарайдиган бўлсак, давлат харидлари нисбатан иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш тизимининг элементи бўлиб ҳисобланади. Тадқиқ этилаётган мавзуга рақамли иқтисодиётнинг усуллари ҳисобланган сунъий интеллект, блокчейнларнинг татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. Д.Рахматқариевнинг фикрича, яқин келажакда давлат харидларининг барча турларини электрон савдолар орқали амалга ошириш ва давлат мулкни сотиш учун интернет тармоғида ягона майдон ташкил этиш лозим. Бу бюджет харажатларини қисқартириш, давлат мулкни самарали бошқариш ва катта молиявий маблағларни тежаш имконини яратади<sup>3</sup>.

Блокчейн технологияларининг давлат харидлари тизимига жалб этилишининг афзалликлари ва ҳуқуқий масалаларига кенгроқ тўхталиб ўтаемиз.

**Биринчидан**, давлат харидларини амалга ошириш жараёнида вақтнинг тежалиши, яъни режалаштиришдан тортиб, то аниқ давлат ташкилотининг харид фаолияти якунига қадар бўлган вақтни қамраб олади.

**Иккинчидан**, смарт шартномалар ўзида маълум бир шартларни назарда тутувчи электрон алгоритмни намоён этади<sup>4</sup>. Давлат харидлари тизимида смарт шартномалар харид жараёнларида иштирок этишни соддалаштиради, транзакция учун тўланадиган фоизлар миқдорини камайтиришга, давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар ижроси сифатини назорат қилишга имкон беради. Бундан ташқа-

ри, “ақлли шартномалар” бюджет маблағлари сарфланишини мониторинг ва назорат қилиш сифатини мустаҳкамлайди. Смарт шартномалар давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларни тузишда давлат буюртмачилари ва харидлар ижросчилари ўртасидаги воситачилар сонини камайтиради, вақт ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширади.

Давлат харидлари тизимидаги смарт шартномалар қуйидаги афзалликларга эга:

*хавфсизлик (шартнома тармоқда шифрланган ҳолатда ёзилган бўлади);*

*ишончлилиқ (блокчейн тизимида ҳужжатлар захирада сақланади);*

*тежамкорлик (воситачиларни камайтиради ва ортиқча қовозбозликни истисно этади);*

*аниқлик (давлат харидларига оид шаклларни тўлдиришда инсон омилини бартараф этади);*

*молиявий барқарорлик, яъни шартнома ижро этилган тўловлар амалга оширилишининг кафолатланганлиги.*

Масалан, смарт шартномалардан ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидларини тузишда фойдаланиш мумкин. Унга кўра, тизим энг мақбул товар ва хизматларни танлайди ва автоматик тарзда шартнома тузади. Бошқача қилиб айтганда, смарт шартномаларнинг қўлланилиши юриспруденциядаги анъанавий институтларнинг синиши ва классик шартнома ҳуқуқи тугашининг бошланиши ҳисобланади<sup>5</sup>. З.Х.Ахмедовнинг таъкидлашича, блокчейн технологияларида барча маълумотлар бир вақтнинг ўзида кўплаб компьютерларда сақланади ва бу маълумотнинг максимал даражада хавфсизлигини таъминлайди. Бунда марказий сервернинг мавжуд эмаслиги маълумотнинг дахлсизлигини таъминлайди, дам олиш ва байрам кунлари фаолият олиб бормайдиган банклардан фарқли равишда блокчейн 24 соат мобайнида фаолият олиб боради ва ўтказмаларнинг бир неча сонияларда манзилига етиб боришини таъминлайди, бунда барча ўтказмалар тарихи бўйича маълумотлар ҳамма учун очиқ бўлади ва фойдаланувчи рўйхатдан ўтган қайдномаси орқали маълумотлардан фойдаланиши мумкин бўлади<sup>6</sup>. Блокчейн технологияларига асосланган давлат харидларининг янги шартнома тизими бу соҳадаги қонунчилик базасини таҳлил этишни тақозо этади, бу эса бир хил

ва бир-бирини такрорловчи нормалар мавжуд бўлишини истисно этади<sup>7</sup>. Блокчейн технологиялари коррупцияга қарши курашишда самарали усул бўлиб ҳисобланади. Блокчейн платформаси асосчиси В.Бутериннинг таъкидлашича, тақсимланган реестр асосида коррупцияни тўлиқ енгиш мумкин.

Давлат харидларида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил этиш, такомиллаштириш долзарб масала. Маълумки, энг катта коррупция давлат харидлари соҳасида юзага келади. Аксарият давлатларда мазкур соҳа назоратига алоҳида эътибор қаратилади. Блокчейн технологиялари давлат харидларини амалга ошириш жараёнларида шахс тўғрисидаги маълумотларни верификациялашда татбиқ этилади<sup>8</sup>. Масалан, 2017 йилда Японияда ушбу технологиянинг тажриба-синов лойиҳаси тест синовидан ўтказилди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Япониянинг йиллик давлат харидлари ҳажми 600 млрд. долларни (ЯИМ 16,2% ёки давлат харидлари умумий ҳажмининг 38,3%) ташкил этади<sup>9</sup>. Япония ҳукумати 2018 йилда давлат харидлари тизимига блокчейн технологияларини жорий этишни назарда тутган<sup>10</sup>.

Т.Атамуродов давлат харидлари борасида олиб борган тадқиқотларида бюджет хара-

жатларидан фойдаланишда юзага келадиган самарасизликларни аниқ ва равшан тушунтириб берган. Жумладан, давлат харидларини амалга оширишда товар (хизмат)ларни сотиб олиш махсус ахборот порталида жойлаштириладиган техник талаблар умумқабул қилинган мезонларга тўғри келмаслиги бюджет харажатларидан самарасиз фойдаланишга шароит яратишини алоҳида таъкидлаб ўтади<sup>11</sup>.

Давлат харидлари тизими қанчалик очиқ ва шаффоф бўлса, битимлар асослилигини текширишга жалб этилувчи, назорат қилувчи шахсларга зарурият қолмайди. Тўғри хатодан ҳеч ким холи эмас, қайсидир турдаги ҳуқуқбузарликлар бўлиши мумкин, бироқ уларнинг кўлами сезиларли даражада камайиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар тизимида блокчейн технологияларининг жорий этилиши ва уни ҳуқуқий тартибга солиш рақамли иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Рақамли иқтисодиётга замонавий технологияларнинг жорий этилиши натижасида давлат харидлари ва уни бошқариш тизимини автоматлаштиришга, коррупцияни камайтиришга ва давлат харидлари тўғрисида шартномалар тузишда бюрократияни бартараф этишга, харидлар билан боғлиқ жараёнларда вақтни оптималлаштиришга эришилади.

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 07/18/3832/1452-сон

2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 06/20/6013/1002-сон

3. Д.Раҳматқариев, Ўзбекистон Давлат бошқарувида “Электрон ҳуқумат” тизимининг ривожланиш тенденциялари, муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари // Biznes-Эксперт, 2019, №11, Б.85.

4. Тищенко М., Корчмарек Н. (2017). «Алгоритм сделки: Госдуме предлагают узаконить в России контракты на базе блокчейна»/ЖТ на русском, 6 октября. Режим доступа: <https://russian.rt.com/9d7q>

5. Савельев А.И. (2016). Договорное право 2.0: «умные» контракты как начало конца классического договорного права // Вестник гражданского права, № 3.

6. Ахмедов З.Х. “Давлат бошқарувида рақамлаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Тошкент 2019. Б.4-5.

7. Е.Дубова. (2017). Без коррупции и бюрократии: что такое блокчейн и каковы возможности этой технологии/ЖТ на русском, 21 декабря. Режим доступа: <https://ru.rt.com/9x86>.

8. Н.Г.Косян, И.В.Милькина Блокчейн в системе государственных закупок // E-MANAGEMENT, 2019, с.34-35 <https://cyberleninka.ru/article/n/blokcheyn-v-sisteme-gosudarstvennyh-zakupok>

9. <https://open.gov.ru/events/5516434/>

10. Казанцев Д.А. Блокчейн в региональной политике: история, теория и практика, // Российский политический процесс в региональном измерении: история, теория, практика / №11, 2018 С.47

11. Атамуродов Т.Т. (2019) Давлат харидини ташкил этишнинг назарий асослари ва услубий шарт-шароитлари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь

**Қумрихон АБДУРАСУЛОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Криминология кафедраси бошлиғи,  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Нигмонжон АЗИЗОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи,  
юримдик фанлар доктори, профессор

## КОНСТИТУЦИЯ — ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий қоидаларни амал қилишининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Ўзбекистон Конституцияси, конституциявий қоидалар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амал қилиши.

**АННОТАЦИЯ:** В статье анализируются социальные, политические и правовые аспекты реализации конституционных норм о правах и свободах человека.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Конституция Узбекистана, конституционные нормы, права и свободы человека, реализация прав и свобод человека.

**ANNOTATION:** The article analyzes the social, political and legal aspects of the implementation of constitutional norms on human rights and freedoms.

**KEY WORDS:** Constitution of Uzbekistan, constitutional norms, human rights and freedoms, implementation of human rights and freedoms.

Мустақил юртимизнинг давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёти мустаҳкам ҳуқуқий негизга эга. Эркин тараққиётимизнинг ўтган бутун даври мобайнида Асосий қонунимиз янгиланаётган мамлакат тараққиётининг мустаҳкам қонуний замини бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустаҳкам маънавий – маданий замин асосида яратилган. Унда ўзбек халқининг кўп асрлик тарихий тараққиёти давомида шакллантирилган ва сайқал топтирилган туб инсонийлик фазилатлари мужассамланган. Жаҳонда мислсиз маданий, тарихий, сиёсий ва ҳуқуқий ёдгорликлар ҳисобланмиш зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто», «Қутадғу билик», «Темур тузуклари», Навоий «Ҳамса»си, «Бобурнома», «Зафарнома» ва бошқа манбаларнинг мазмуни Конституциямиз матнига сингдирилган.

Асосий қонунимиздаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, ижтимоий адолат, миллий ғурур, саховатпешалик, демократияга мойиллик, бағрикенглик каби кўплаб қадриятлар Абу

Али ибн Сино, Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Жалолий, Абдураззоқ Самарқандий, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад Дониш, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқа алломаларимиз асарларидаги доно фикрлар билан ҳамоҳангдир.

Конституция қабул қилинганидан буён ўтган давр мобайнида жамият ҳаётида кенг кўламли ўзгаришлар содир бўлди. Натижада, Ўзбекистоннинг сиёсий тизими ва давлат бошқаруви қиёфаси тубдан ўзгарди. Буларнинг барчаси жамиятимиз Конституция асосида илдам ривожланаётганлигини кўрсатади.

Конституциянинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин камол топиши учун реал шароитлар яратиш ўз аксини топган. Конституцияда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланиши ва муҳофазаланиши белгиланган. Дарҳақиқат, Конституция Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун демократик маърифий давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаб берган.

Инсон ҳуқуқлари – адолатнинг, шахс эркинлигининг кўлами ва меъёрини ифодалайди. Улар давлат ҳокимияти билан инсон ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришнинг норматив шакли

ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларига риоя этиш амалиётининг юксак такомилга етганлиги давлатнинг ҳуқуқийлиги ва демократиклигини ифодаловчи кўрсаткичдир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари борасида амал қилаётган барча конституциявий ва бошқа қонунчилик нормалари “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” да белгиланган шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларга тамомила мосдир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий қоидалар мустаҳкамланган: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – давлатнинг мажбурияти; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги; ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши; фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги.

Бош Қомусимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият сифатида мужассам этилгани, ана шу принципни амалга ошириш учун бизда қатъий сиёсий ирода ва етарли имкониятлар мавжудлиги доимо таъкидлаб келинади.

Жамиятда конституциямизнинг ҳаётбахш кучи ва қудратини теран англашимиз учун қуйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш зарур: **биринчидан**, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегия яратилиши; **иккинчидан**, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантирилиши; **учинчидан**, адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарурлиги; **тўртинчидан**, виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, мамлакатимизда ва хорижда фуқароларимизни кафолатли ҳимоя қилиш бундан буён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиши; **бешинчидан**, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳуқуқий тенгликни мустаҳкамланиши; **олтинчидан**, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган мулк ҳуқуқи дахлсизлиги ва доим давлат ҳимоясида бўлиши.

2020 йил мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид конституциявий қоидаларнинг рўёбга чиқишида муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 22 июнидаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги қарорлари қабул қилинганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

2020 йилнинг 12-13 август кунлари ёшлар ҳуқуқларини тарғиб этишнинг долзарб масалаларига бағишланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми видеоконференция шаклида ўтказилди. Унда президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги таклифига мувофиқ тайёрланган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенция лойиҳаси муҳокама этилди.

Бу эса жамиятда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг қонуний кафолатланишига хизмат қилувчи ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий механизмларни янада такомиллаштириш зарурлигини яққол ифодалайди. Конституциямизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинларига оид ҳар бир қоидасини амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш бир бутун механизм сифатида ишлаши бу соҳадаги ишларимизнинг самарадорлигини кўрсатади.

Конституциявий қоидаларнинг ҳаётимизда қўлланилишида, унинг бевосита ҳаракатини таъминлаш муҳимдир. Зотан, конституциявий тузум мустаҳкамлигининг энг муҳим шарти Асосий қонун нормаларининг бевосита ҳаракати, уларнинг жамият турмушига сўзсиз татбиқ этилиши ҳисобланади.

Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти ва давлат органлари зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган. «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган конституциявий қоида айнан давлат идоралари ва лавозимли, муайян ҳокимият ваколатларига эга бўлган шахслар томонидан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, муҳофаза этиш билан боғлиқ бурчини англатади.

Конституциямизда инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири бўлган яшаш ҳуқуқи мустаҳкамланган. 2008 йилдан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши инсоннинг яшаш ҳуқуқини қонуний асосда ҳимоя қилишнинг амалий исботи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

44-моддасида фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган. Бу ҳуқуқни амалга ошириш механизмларини мустаҳкамловчи қоидалар қатор қонунчилик ҳужжатларида белгиланган. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда, Фуқаролик процессуал, Жиноят процессуал кодексларида фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида муҳофаза этишнинг юридик механизмлари ва кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳуқуқий ислохотлар натижасида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилди. Мамлакатимизда «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши бунга яққол мисолдир. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда суд ҳокимиятининг нуфузи ва ролини янада оширди.

Олдимизда турган навбатдаги масала, «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши билан боғлиқ механизмларни янада такомиллаштириш, хорижий давлатларда самара бераётган илғор ғоя ва механизмларни мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий тизимига татбиқ этишдан иборатдир. Зеро, «Хабеас корпус» институтининг ҳали қўлланилмаган қирралари мавжудки, унинг тўлиқ жорий этилиши, инсон ҳуқуқ, эркинликлари ва манфаатларини бекаму кўст таъминланишига хизмат қилади.

Конституция бозор иқтисодиётига ўтишга, хусусий мулкчилик муносабатларини қарор топтиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. У мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини, иқтисодий фаолият юритиш ва тадбиркорлик эркинлигини акс эттирувчи ғоя ҳамда қоидаларни мустаҳкамлаган. Унга кўра, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат томонидан ҳимояланади. Асосий қонунга биноан, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Фуқароларнинг мулкдор бўлиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи

қонун билан кафолатланади. Мулкдор ўз мулкига ўзи истагандек эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини ва қонун билан муҳофаза этилишини кафолатлайди (36, 53, 54-моддалар). Ушбу конституциявий қоидаларга қатъий риоя этилиши жамиятда иқтисодий барқарорлик ва ривожланишни таъминлайди.

Шуни мамнуният билан эътироф этиш лозимки, мамлакатимиз парламенти хусусий мулкка оид конституциявий қоидаларни ҳаётга самарали татбиқ этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунини қабул қилинди. Ундан асосли мақсад мамлакатда хусусий мулк ва у билан боғлиқ муносабатларни ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш, мулкдорлар ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ишончли кафолатлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳам хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча туртки бериш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий қамров даражасини оширишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, Инсон ҳуқуқларига оид конституциявий қоидалари, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, шахснинг камол топиши, ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши, муҳофазаланишига хизмат қилади.

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 8 декабрь.

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ

**2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида парламент фаолиятига доир вазифаларнинг бажарилиши**

Амалга оширилган тадбир	Ижро учун масъуллар	Қабул қилинган ҳужжат, амалга оширилган чора-тадбирлар ва эришилган натижалар
<b>I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>		
<b>1.1. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш</b>		
<p>1 <b>1-банд:</b> Олий Мажлис Сенатининг қонун ижодкорлиги ва парламент назоратидаги ролини ошириш</p>	<p>Олий Мажлис Сенати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, ТИВ, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти</p>	<p><b>I. Қабул қилинган ҳужжат:</b>  <b>1.</b> 2020 йил 10 августда Ўзбекистон Республикасининг «Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-631-сонли Қонуни қабул қилинди.  <b>2.</b> 2020 йил 27 февралда «Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси» тузилиб, Регламенти тасдиқланди.</p> <p><b>II. Амалга оширилган чора-тадбирлар:</b>  <b>1.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. 2020 йилнинг 12 март куни Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари (Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Испания, Италия, Латвия, Польша, Туркия, Франция, Греция)даги элчиларининг ҳисоботлари эшитилди.  <b>2.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида вазирлик ва идоралар раҳбарларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳисоботини мунтазам муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Хусусан, жорий йилда Сенат ялпи мажлисларида 8 маротаба ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг (Ички ишлар, Ташқи ишлар, Адлия, Бандлик, Молия вазирларининг, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг) ахборотлари ва Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, Омбудсман ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг ҳисоботлари эшитилди.  <b>3.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталари ўз иш режаларини ҳудуддаги муаммолардан келиб чиқиб шакллантириш амалиёти йўлга қўйилди.          Хусусан, Сенат кўмиталарининг 2020 йилга мўлжалланган иш режаларида ҳудудий манфаатлардан келиб чиқиб 30 дан ортиқ тадбир белгиланди.          Бундан ташқари ҳар бир кўмита ҳар ойда аҳоли орасида қизгин муҳокамалар ва эътирозларга сабаб бўлаётган масалалар юзасидан муносабат билдириб бориш, зарур ҳолларда мутасадди вазирлик ва идора раҳбарларининг ахборотларини кўмита мажлисларида эшитиш ҳамда аҳоли билан мулоқотлар натижасида аниқланган тизимли муам-</p>

			<p>мо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан парламент сўровлари юбориш масаласини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мажлислари муҳокамасига киритиш белгиланди.</p> <p><b>4.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан парламент назорати доирасида жойлардаги маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда ҳудудларда аҳолини ташвишга солаётган масалаларни ўрганиш амалиёти жорий қилинди.</p> <p><b>5.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қонун ижодкорлиги ва парламент назоратидаги ролини ошириш юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси асосида қатор ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрлаб, тақдим этилди.</p> <p><b>III. Эришилган натижа:</b></p> <p><b>1.</b> Қонун қабул қилиниши муносабати билан: депутат, сенатор сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазибаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланиши мажбурий этиб белгиланди; давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат, сенатор сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юбориши шартлиги белгиланди.</p> <p><b>2.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан парламент назорати доирасида жойлардаги маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда ҳудудларда аҳолини ташвишга солаётган масалаларни ҳал этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Натижада, халқнинг давлат ва парламентга бўлган ишончи тобора ортиб, ҳудудлардаги йиллар давомида ўз ечимини кутиб турган муаммоларни ҳал этишнинг самарали механизмлари жорий этилди.</p>
2	<p><b>2-банд:</b> Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш</p>	<p>Олий Мажлис Сенати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, МТРК</p>	<p><b>I. Қабул қилинган ҳужжат:</b> 2020 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-636-сонли Қонуни қабул қилинди.</p> <p><b>II. Амалга оширилган чора-тадбирлар:</b></p> <p><b>1.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий Кенгашларга масъул этиб бириктирилди.</p> <p><b>2.</b> Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгагининг фаолиятини «намунали Кенгаш» сифатида ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси Самарқанд вилоят Кенгагининг 2020 йил 22 майдаги 8-сессиясида тасдиқланди. Шунингдек вилоят Кенгаши, Оқдарё тумани ва Самарқанд шаҳар Кенгашлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида мазкур Кенгашларнинг котибиятлари ташкил этилди.</p> <p><b>3.</b> Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди, жойлардаги республика даражасидаги муаммоларнинг Сенатга киритиб борилиши йўлга қўйилди.</p> <p><b>4.</b> 2020 йилнинг 22-25 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси томонидан маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари ва ҳудуддаги сенаторлар билан видеомулоқотлар ўтказилиб, унда «намунали Кенгаш»лар сессияларини маҳаллий телеканаллар орқали онлайн кўрсатишни ташкил этиш бўйича вазифалар берилди.</p> <p><b>5.</b> Маҳаллий Кенгашларда «сенаторлар хоналари» ташкил этилди.</p> <p><b>6.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси асосида ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрланди.</p>

			<p><b>III. Эришилган натижа:</b></p> <p><b>1.</b> Қонун қабул қилиниши муносабати билан: халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши фаолиятига бевосита кўмаклашувчи Котибиятлар ташкил қилинди, у орқали ҳокимликларнинг аппарати яъни, Ташкилий-назорат гуруҳлари зиммасидан ўзига хос бўлмаган вазифалар олиб ташланди; халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши томонидан давлат органларининг фаолияти устидан таъсирчан депутатлик назорати таъминланишига эришилди; маҳаллий вакиллик ҳокимиятининг ижро ҳокимиятидан ажралган ҳолда фаолият кўрсатиши ғоясини амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратилди.</p> <p><b>2.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлиги янада ривожлантирилди.</p>
3	<b>3-банд:</b> Сенатнинг Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёнлари устидан ҳудудлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда назорат олиб бориш фаолиятини кучайтириш	Олий Мажлис Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги	<p><b>I. Қабул қилинган ҳужжат:</b> 2020 йил 9 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фаолиятини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги КҚ-19-IV-сонли Қарори қабул қилинди.</p> <p><b>II. Амалга оширилган чора-тадбирлар:</b></p> <p><b>1.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Давлат бюджети бошқармасини ташкил этиш бўйича хорижий давлатлар парламентларининг тажрибаси асосида ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрлаб, тақдим этилди.</p> <p><b>2.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Давлат бюджети ижроси устидан назорат олиб бориши бўйича бошқарма ташкил этилди.</p> <p><b>III. Эришилган натижа:</b></p> <p><b>1.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Давлат бюджети ижроси устидан таъсирчан назорати ўрнатилди.</p> <p><b>2.</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Давлат бюджети ижроси устидан назорат фаолиятини сифатли ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашга эришилди.</p>
